

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПАЛАТАСИ

**ШАНБА
СОНИ**

Ўзбекистонда



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 11 ноябр
Сотувда эркин нархда
№ 226-227 (2523-2524)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

КУЗ,

«Халқ сўзи»нинг
1 ноябр сониди чоп
этилган
«Плёнка
афзаллигини
била туриб,
ўзимизда
хафсала
етишмади»
сарлавҳали
мақолани
мутасаддилар
муҳокама қилишди



2-бет



Ўзбекистонда БАҲОР!

Кеча мамлакатимизда осойишталик
посбонларининг касб куни нишонланди.

*Ҳеч ҳасад, кибру ҳавони
қилмангиз дўсту асл,
Бу ёмон иллат йўли,
ул одам баднафслидур.*

10-бет

**Истиқлол туфайли
кўз очган булоқ**

**«Чангалзордаги одам»
теледастурлар**

7-8-9-10-
бетлар



Роналдо қачон сафга
қайтади?

**Пелени
сўроқ
қилишмоқчи**

4-бет

Автобусда...



6-бет



стюар

15-бет

Ўзбекистон Республикаси

Плёнкани мажбуран эмас,



Дилдан англаб ишлатайлик

«Халқ сўзи»нинг 1 ноябр сонидан чоп этилган

«Плёнка афзаллигини била туриб, ўзимизда ҳафсала етишмади» сарлавҳали мақолани мутасаддилар муҳокама қилишди

Чигитни плёнка остига экиш афзалликлари тарғиб қилиш яққол кўриниб турган ҳолатни тасвирлашга ўхшайди. Пахтачиликда туб бурилиш ясаган Андижон технологияси бир-икки мавсумдан бери эмас, балки 5-6 йилдан бундан ташқари, плёнка усули алоҳида пахта далаларида эмас, бутун вилоят миқёсда афзаллигини намоён этаётди.

Лекин баъзи жойларда бу янгилик ҳақида ҳар қанча тушунтиришга ҳаракат қилманг, раҳбарлар ҳеч нарса юқтирмай тураверишади. Айбни ўзидан қидиришмайди. Аслида ўша ерда плёнка остига ўза ўстириш агротехникасига риоя қилинмайди: плёнка тешиклари агрофи очилиб қолиб, ҳаво кирди, кейин бегона ўт ўсаверади.

Минг афеуски, баъзи жойларда бу истиқболли усулни обрўсизлантириш ҳоллари ҳам учраб турибди. «Мана, плёнка бизга тўғри келмас экан» дея атайлаб шўрхок, ажриқ бостан майдонларда қўлланилмоқда.

Баъзи жойларда бундан ҳам ажабтовур ҳолни кўриш мумкин. «Пул тўламасдан плёнка олсак бўладими?» деган гапни айтишади. Албатта, рад жавоби олишгач, «Ана, плёнка олмоқчи эдик, рози бўлишмади» дея баҳона қилишади. Ахир, олдиндан пул тўлашмасан, дебиторлик қарзлари кўпайиб кетади-ку? Бу тартибни қарзга плёнка сўраганлар ҳам би-

лишади.

Андижонликлар ҳам йиллар мобайнида мисқоллаб тажриба тўплаш натижасида бугунги даражага эришди. Рақамларга эътибор беринг: дастлаб 1995 йили 71 гектар майдонга чигит плёнка остига экилди ва 39 центнердан ҳосил олинди. Кейинги йили унга ишонч янада ортди. 9904 гектар ерда мазкур усулда ўза парвариш қилинди. Натижа ёмон бўлмади. 1997 йили бу кўрсаткич 70 минг гектарни ташкил қилди. 1998 йили 110 минг гектар ерга уруғлик қадалди. Лекин баҳорда қарийб унинг ярмини, яъни 50 минг гектарини ёмғир ювиб кетди. Ушанда ҳам андижонликлар плёнкадан воз кечишмади. Кейинги йили эса 110 минг гектар майдонга экишди.

Баъзи жойларда плёнка сифатсиз экан, шу боис уни ишлатмадик, дейишади. Бу оддий баҳона, холос. Мана, бу борада андижонлик мутахассисларнинг фикри: сифатсиз бўлса, дарҳол далолатнома тузиб, плёнка ишлаб чиқарадиган корхонадан сифатлисини талаб қиламиз. Ахир, маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона ўзимизга жўлашган-ку!

Аслида плёнка экишга тайёргарлик, бир йил олдин, яъни куздан бошланиши зарур. Бу вақтда ер сифатли қилиб, чуқур ҳайдалиши лозим. Ер қафдек текис бўлмоғи, умуман, кесак қолмаслиги керак. Бу ишни ихлос, эъти-

қод билан бажариш шарт.

Пахтачиликда ишлаётган барча, яъни оддий деҳқондан тортиб, ҳўжалик раҳбарини туман ҳокимигача бир нарсани унутмасликлари керак: плёнка виждонан берилиб ишлаганига самара беради. Қўл учидан меҳнат қилинса, ишга юраги жиз этмаса, ҳеч нарса бўлмайди. Юқоридан айтишди, экмаса бўлмас экан, деб ишлаш керак эмас. Бу борада бир мисол: фарғоналик деҳқонлар учун келгуси йил 20 минг гектар майдонда плёнка усулида чигит экиш тавсия қилинди. Лекин улар плёнканинг афзаллигини амалда тушуниб етиб, бу кўрсаткич 35 минг гектарга етказишмоқчи.

Ушбу долзарб масалалар кеча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазир Т. Холтбоев иштирок этиди.

Йиғилиш иштирокчилари қузғи-қишқи дала ишларининг боришига танқидий баҳо бердилар, бу борадаги ҳукумат қарорининг ижросини таҳлил қилдилар, галлаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини эркинлаштиришни кафолатлайдиган мустақкам конституциявий замин яратилган. Шунинг таъкидлаш жоизки, Конституциянинг асосида — инсон энг улуг қадриятдир, деган ғоя мужассамлашган.

МУСТАҚКАМ ЗАМИН

Шу тўғрисида давлат унинг ҳуқуқларини муҳофаза қилса, у ҳам ўз навбатида ана шу давлатнинг мавжуд тартиб-қоидаларига риоя этади. Агарда инсонни ноёб қадрият деб оладиган бўлсак, уни тўлалигича рўёбга чиқаришга қодир давлат ва жамият ҳам бўлиши лозимдир.

Конституцияимизнинг 1-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон — суверен-демократик республика». Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг мустақил ва демократик тарзда шаклланиши ҳамда ривожланиши Бош Қомусимизда қонунлаштирилган.

Конституция иқтисодий тизимнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб берди. Барчага аёнки, собиқ иттифоқ конституцияларида ҳўжалик юртиш ва мулкчиликнинг илгор йўналишлари чеклаб қўйилган. Уларда тадбиркорлик йўллари тўсилиб, мулк эгаси давлатдир, дея ҳисобланарди. Инсон манфаати, шаъни, қадр-қиммати ва эркига бўлган эътибор тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Бош Қомусимизнинг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», деб ёзиб қўйилган. Бундан кўзланган мақсад, аввало, корхона, ташкилот ва ху-



Конституция кунини олдида

сусий тадбиркорларнинг мустақиллигини таъминлаш бўлса, яна бир томони, эркин бозор муносабатларига кенг йўл очишдир. Табиийки, бу одамларда ишлаб чиқаришга ва тадбиркорликка бўлган қизиқишни ниҳоятда кучайтирди. Шу тўғрисида юртимизнинг олис қишлоқ одамлари онгида ҳам «менинг мулким» деган фикр кенг шаклланди.

Республикаимизда янги сиёсий тизимнинг ҳуқуқий асослари барпо этилди. Ҳокимият тармоқларининг бўлиниши қонуний жиҳатдан мустақкамланди, уларнинг ҳар бирида демократик тартиблар жорий этилди. Биринчи қақриқ Олий Мажлис ваколати даврида 10 та Кодекс, 130 тага яқин Қонун, 460 дан ортиқ қарор қабул қилинди, амалдаги деярли барча қонунларни қўллаш амалиёти ўрганилди, қонунларга 200 дан ортиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Мавжуд қонунчилик ҳужжатлари ислохотларни ҳуқуқий мустақкамлашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат органларининг функцияларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва жамоат тузилмаларига босқичма-босқич топшириш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларга мувофиқ, давлат органларининг айрим функциялари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат тузилмаларига олиб берилдики, бу ваколатлар уларнинг ҳуқуқий мавқеини янада оширишда, молиявий аҳволини мустақкамлашда, ишсизликнинг олдини олишда, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда ўз самарасини бермоқда.

Мазкур масалалар ислохотлар жараёнидаги муҳим вазифа бўлиб, уни амалга ошириш давлатчилик, демократия, инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечириши билан боғлиқдир. Бу борада изчил фаолият юритишнинг аҳамияти катта. Шошма-шошарликка йўл қўйиш ҳам, сусткашлик ҳам бирдек зарар келтириши мумкин. Айниқса, ўтиш даврида ва ташқи-ички хавф-хатарлар кучайиб турган бир пайтда давлат функциясини заифлаштириш асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлат функциясини жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига беришни босқичма-босқич амалга оширишни марказда ва маҳаллий жойларда ҳал қилинадиган масалалар доирасини белгилаш, маҳаллий-ҳудудий бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш билан уйғун ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фахриддин БОБОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси магистри.

ЗАМОН ВА АРМИЯ

Қуроли Кучлар жамиятининг ажралмас қисмидир. Мамлакатимизда турли соҳаларда ўтказилаётган ислохотлар армияни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Армияни босқичма-босқич профессионаллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган даражада ислох қилиш ҳукумат олдидаги муҳим масалалардан биридир. Бу борада мамлакатимиз Президенти, Қуроли Кучларимиз Бош Қўмондони Илом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган Ҳарбий доктрина асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизматида мудофаа вазири Қодир Ғуломов иштурикида ўтказилган матбуот анжумани Қуроли Кучларимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга бағишланди.

Дунё мамлакатларининг аксариятида армияни профессионаллаштириш жараёни бормоқда. Зеро, профессионал армия замон талабига айланди. Бу жараён Ўзбекистонда ҳам босқичма-босқич амалга ошириляпти. Айни пайтда мамлакатимиз Қуроли Кучларини профессионаллаштириш учун

зарур шарт-шароит ва етук ҳарбий кадрлар тайёрлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирнинг айтишича, баъзи қисмларни қайта жойлаштириш жараёни якунланган. Улар стратегик ва тактикавий жиҳатдан муҳим йўналишларда ўз ўрнини эгаллади. Жорий йилда Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг айрим ҳудудларига террорчиларнинг суқилиб қирмоқчи бўлгани бу жараёнга деярли таъсир кўрсатгани йўқ. Қисмларнинг жойлашувини ўзгартириш аввалдан белгиланган режа бўйича амалга оширилди.

Яқинда АҚШ сафарига бўлган Қ. Ғуломов Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Уэлям Коэн билан учрашди. Музокараларда ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида келишувга эришилди. Ўзбекистон мудофаа вазири АҚШ армиясининг баъзи қисмларида бўлиб, шарт-шароит, тартиб-интизом, аскарларнинг тайёргарлиги билан танишди. АҚШ ҳарбийларининг тажрибаси билан танишув Ўзбекистон Қуроли Кучларини ислох қилишда қўл келиши табиий.

АҚШ қўшинларида шахсий таркиб билан ишлаш, ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Хусусан, америкаликларнинг кичик командирлар таркибини тай-

ёрлашдаги ютуқларидан армияимиздаги ислохотларда фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди, деди мамлакатимиз мудофаа вазири. Зеро, кичик командирлар аскарлар билан бевосита ишлайди, уларнинг камчилик ва ютуқларидан яқинроқ хабардор бўлади.

Армия мавжуд таҳдидларга қарши турувчи асосий куч сифатида тузилади. Мудофаа вазирининг сўзларига қараганда, Ўзбекистон армиясини ислох қилиш жараёнида шу жиҳатлар ҳисобга олинди. Жумладан, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидан тўқнашувлардан ҳулоса қилиниб, тоғ шароитида жанг олиб борадиган батальонлар тузишга эътибор қаратилади. Бироқ ислохотлар жараёнида қўшин сонини ошириш эмас, балки ҳарбийларимизнинг янада тезкор, ҳаракатчан ва интизомли бўлишига алоҳида аҳамият берилди.

Олий Мажлис сессияларидан бирида армияга чақирилаётган айрим йигитларнинг ҳарбий хизматга яроқсиз бўлиб чиқаётгани танқид қилинган эди. Айни пайтда Қуроли Кучларга навбатдаги чақирув давом этаётгани учун, бу масала яна долзарб тус олди. Мудофаа вазирининг айтишича, ҳозир ҳарбийга чақирув пайтида тиббий кўрикка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бу борадаги ҳамкорлик учун янги тадбирлар режасини ишлаб чиқяпти.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Нега фақат бу йил галла экишдан олдин Қашқадарёда ердаги кесакни эзиш, майдалаш керак бўлиб қолди? Илгари донни кесакнинг орасига ҳам сочиб кетишган-ку? Шунда ҳам кўкариб чиққан, ҳосил берган. Ҳа, баракалла, ҳосил берган. Аммо қанча ҳосил берган, деб сўранг-да? Ахир, бир гектар ерни шудгорлаш, текислаш, уруғ сочиш, ўғитлаш учун озмунча харажат кетганми? Хўш, олинган ҳосил шунга қоплаганми? Масалан, ўтган йили 10 минг гектар ердан 5 центнердан галла олинган. Шунча жойга дон экиб, шунча ҳосил олиб, қанча сўмлаб зарар кўрилганлигига нима дейсиз? Хўш, шундан кейин ҳам галла экишни шу зайлда давом эттириш мумкин, деб ўйлайсизми? Йўқ. Асло. Дон экинми экдинг, дея кўзни бўйлаб кимга ва нима учун керак?

Айтгандай, кесак қардан пайдо бўлади? Нега кесак кўчади? Тажрибали деҳқонлардан бирининг айтишича, аввало, бу ернинг «ориқлаб» кетганлиги аломати экан. Агар ерга зарур миқдорда маҳаллий ва минерал ўғит берилса, у шудгорлаш чоғида титилиб кетаркан. Иккинчидан, ер 40-45 сантиметр чуқурликда ҳайдалса ҳам, кесак кўчиши камайаркан. Мободо шудгор чуқурлиги 20-35 сантиметр бўлса, яна кесак пайдо бўларкан.

Бу масаланинг ерни экишга тайёрлаш жиҳати, холос. Экиш техникаси масаласига тўхталсак, сеялқалар қай аҳволда? Шу пайтгача бу билан биров қизиқмаган. Ҳатто ўтган йилларда донни қўлда сочиб юришганини ҳам кўрганмиз. Шундай бўлгач, натижа нима бўларди?

Энди уруғлик масаласини олиб кўрайлик. Ким 1 гектар жойга 120 килограмм, ким 150, яна биров 180 килограмм уруғ эккан. Ҳатто айрим ноинсофлар уруғликка ҳам хиёнат қилишган. Улар «Уруғликдан урганни Худо уради» деган гапдан ҳам кўрқинмаган. Бу бор гап. «Куш еб кетди. Совуқ урди. Шунинг учун ола кўкарди...» деган баҳоналар доимги вазиятга айланиб қолганди. Аслида эса...

Тавба дейиш керак-у, айрим раҳбарларга қурғоқчилик баҳона бўлди. Нимагаки, ҳамма иш қилинганмиш-у, фақат қурғоқчилик туфайли барбод бўлганмиш. Ана, холос. Унда нега бир ариқдан сув ичган, этаги этагига туташ майдонлардан турлича ҳосил олинди?

Вилоят раҳбарияти бу йил масалага ана шу нуқтан

назардан баҳо берди. Шунинг учун ҳам иш айнан кесак эзишдан бошланди. Бу айримларга оғир ботди ҳам. «Бир ишимиз энди кетмон кўтариб, шудгор оралаб, кесак майдалашмиди? Ҳа, хўп, бажарамиз, деб қўяверамиз-да, билгани-

Шундай бўлгач, ким қўл учига ишлайди? Ҳеч ким. Қолаверса, муайян ерни ҳайдаган, текислаган, ўғит солган, уруғ сочган, шу ишларни текшириб, сифати жойида, деб ҳужжатга имзо чеккан одамларнинг бариси аниқ. Ким

барҳам берилди. 1996 йилда вилоятда 5 минг гектар жойдаги гўзапоя йиғиштириб олинмаганди. Чунки орасига галла экилган эди. Нима эмиш, бу ҳолда ерни шудгор қилмаса ҳам бўлармиш. Чизел қилиб, уруғ ташласа басмиш.

тирлар.

Бу йил 60 минг гектар лалми ерга ҳам дон экилиши лозим. Бу — ўтган йилгига нисбатан лалми галлазор 32 минг гектарга қисқаради, деган гап. Нима учун лалмидаги галла майдонлари қисқ-

Кўзбўямачилик? Кимга керак?

мизни қиламиз», дегувчилар ҳам бўлди. Аммо улар хом ўйлашганди. Аввалгидек, гап айтилган жойида қолиб кетмади. Унинг ижроси

қасрда хато қилса, кўриниб туради. Конвейердагилар бир-бирининг хатосини тўғри-лашга мажбур. Чунки ҳар бири ишнинг сифатли бажа-

Ҳам маблағ, ҳам меҳнат кам сарф бўлармиш. Қолаверса, гўзага берилган ўғитнинг галлага ҳам нафи тегармиш. Шундай фикрда бўлганлар



артирилади? Сабаби — кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, ҳосилдорликни ошириш эвазига кўпроқ дон етиштириш. Уруғ экилмаган майдонлар қора шудгорга қолдирилади, ер дам олади ва етилади.

Дарвоқе, дон экилган майдонларни суғориш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Бу ишга 9 минг 834 нафар сувчи жалб этилган. Ҳар куни 4 минг гектар ер суғорилади. Ҳозиргача 60 минг гектар ерга сув таралди. Эътиборлиси, 1 гектар ерга энг кам миқдорда сув сарфланмоқда. Сувни исроф қилмаслик учун қаттиқ назорат ўрнатилган. Чунки бу соҳада ҳам чек тизими жорий этилган. Ҳисоб-китоб йўлга қўйилган. Ким кесасига зарар бўлишини хоҳлайди? Ҳеч ким. Тўғри, боқибегамлар, эскича қарашда юрганлар ҳам бор. Уларнинг ҳам ақли-хушини жойига келтириб қўйишяпти.

Уруғлик хусусида. Ҳар гектар суғориладиган майдонга 250 килограммдан, лалми ерга 120 килограммдан уруғлик ташланмоқда. Тупроқ ва иқлим шароитига мос уруғлик танланди. Экилаётган уруғликнинг 70-75 фоизи Андижондан келтирилди. Қолгани вилоятнинг ўзида етиштирилган. Яқин йиллар ичида уруғлик четдан келтирилмайди. Бундай дейишга «Қашқадарёсарауруғ» ассоциацияси ташкил этилганлиги, унинг учун тажриба ҳўжалиги ажратилганлиги, у ерда юзлаб галла нави синовдан ўтказилаётганлиги асос бўла олади.

Умуман, Қашқадарёда галлачиликка муносабат ўзгарди. Галла сиёсати бутунлай бошқача тус олди. Шунга кўра, 2001 йилда 518 минг 500 тонна галла етиштирилади, унинг 330 минг 500 тоннаси давлатга сотилади, 9 минг 700 тонна уруғлик жамғарилади, деб бемалол айтиш мумкин. Албатта, бу ҳали ишнинг бошланиши. Олдинда талай синовлар турибди. Аммо шуниси аниқки, холис ният билан, сидқидилдан меҳнат қилган кишини ер алдамайди. Яна шуниси ҳам аёнки, энди Қашқадарёда «Галла» дастури ишлаб чиқилди. Бу соҳадаги ишлар мавсумий ёки урра-уррачиликдан иборат эмас. Аксинча, ҳаммаси илмий асосланган. Фойда-зарари аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Бинобарин, дастур ҳаётга тўла татбиқ этилиши учун, вилоят ҳокимлиги ҳамма ишни қилади, бор имкониятдан фойдаланади. Шу боис деҳқон умид билан, ишонч билан дон экмоқда.

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



текширилди. Текширилганда ҳам, қайта-қайта текширилди. Натижада меъёрига етмаган, яъни яхши текисланмаган, кесаги обдон майдаланмаган, ўғити солилмаган ерга кўзни чирт юмиб, «бўлди, жойида» деб сертификат берган айрим комиссия аъзолари уялиб қолишди. Чунки уларнинг ҳам иши назоратта олинганди. Хуллас, шу тариқа қалбакичилик, юзакичилик, гирромчиликка чек қўйилди.

Шу ўринда вилоят ҳокимлиги қошида деҳқонлар кенгаши тузилганлиги, унга вилоятдаги энг тажрибали деҳқонлар, мутахассислар жалб этилганлигини айтиб ўтиш лозим. Айнан ана шу кенгашнинг ишчи гуруҳларига ерни дон экишга тайёрлаш, сифатини текшириш, агар иш маромида бўлса, сертификат бериш вазифаси топширилди. Шундан кейингина уруғлик ажратиладиган бўлди. Акс ҳолда, қайта-қайта шудгорлашга, кесак эзишга тўғри келди. Ортиқча харажат ҳам айбдорлар бўйнига тушмоқда.

рилишидан манфаатдор. Қолаверса, ҳосил оз чиқса, жавоб бериш ҳам бор. Қаранг, жавобгарлик туйғуси, ерга эгалик ҳисси қандай шакллантирилмоқда!

Дон аслида қандай ерга экилиши керак? Энг яхши, унумдор ергами ёки... Ундай бўлса, нега бултур Қашқадарёда мелиоратив ҳолати ёмон 22 минг гектар ерга галла экилган? Ахир бу кўрабилатуриб халқнинг пулини, донини ҳавога совуриш эмасми? Бу ҳақда биров ўйламаган шу пайтгача. Энди ўйланмоқда. Шунинг учун ҳам Қашқадарёда гўзанинг орасига галла экиш тажрибасига

Сўнгра гўзапояни юлиш, шудгорлаш, ерни экишга тайёрлаш... Э-ҳе, озмунча машаққатми бу?

Ана шу ишларнинг бари ишчи гуруҳи назоратида. Тўғри, ҳаммани бирданига янгилаш иш тартибига ўргатиб бўлмаёпти. Кўзни шамғалат қилиб ёки ишчи гуруҳини чалғитиб, ерни шудгорлашга, бир амаллаб донни экиб олишга уринаётганлар ҳам чиқаяпти. Лекин назоратчилар ҳушёр туришибди.. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида фаолият юритиб, бу ишга йўл қўймаё-

Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Маъмун академияси Хоразм заминидан ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминидан қайтадан ташкил этсак, кўп улуг иш бўлар эди», деган фикрни илгари сурган эдилар.

услугий асосларини аниқлаш ва улардан узоқ давр мобайнида фойдаланиш тadbирлари» каби мавзуларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Халқимизда «Устоз кўрибсан — сенга пир йўлиқибди», деган нақл бор. Бу — мураббийларга бўлган чексиз эҳтиром, уларнинг юксак мақомига ишорадир. Ҳақиқатан ҳам, устозлик — дунё-

Хоразм Маъмун академияси иқтидорли ёшларни илмий ишларга жалб қилиш, уларни олий ўқув юртларига тайёрлаш мақсадида Хоразм вилояти халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар бошқармалари негизидан мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари жамоалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шу билан бирга, Хива шаҳар «Ёш табиатшунослар маркази» негизидан тузилган «Кичик академия» фаолиятига раҳбарлик қилмоқда. Зеро, бугун ёшлар кўнглига тушган бир тола илм нури, ёшлар қалбида уйғонган ҳавас, иштиёқ, муҳаббат кун келиб маърифат қасрини янада равшанроқ нур билан ёритиши мумкин.

Дарҳақиқат, илм аҳли, олимлар, ҳазрат Навоий айтганларидек, шараф гавҳарининг кони-дирлар. Олимлар илмий кашфиётлари, ихтиролари, инсоний ғоялари билан ҳар бир халқ, миллатнинг фахригина бўлиб қолмай, балки тараққиётга эришувида етакчи ўрин тутуди.

1998 йилдан бошлаб Маъмун академияси олимлари халқаро ҳамкорлик йўналишида ҳам илмий, тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда Россия Фанлар академияси ва қозғоғистонлик олимлар билан «Янги ноанъанавий ўсимликлар ва улардан фойдаланишнинг истиқболлари» йўналишида, туркманистонлик олимлар билан Оролбўйи ҳудудидаги деҳқончилик муаммолари бўйича ҳамкорлик давом этмоқда.

Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганаётган Франция олимлари билан илмий алоқалар кенг йўлга қўйилди.

Ўтган йилдан бошлаб академия кичик босмахонасида илмий, тарихий, бадиий ва илмий-оммабоп йўналишидаги тўпламлар, рисоалар, тавсияномалар, йўриқномалар, қўлланмалар ва бошқа илмий ишларни ўзбек ва чет тилларида нашр қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Хоразм Маъмун академияси юксак мақсадлар ила буюк аж-долларимиз яратиб кетган илм-маърифат қасрининг илк поғонасига қадам қўйди.

«Олим бўлсанг — олам сеники». Улуғ боболаримиздан қолган бу ҳикмат кўҳна Ватанимиз тарихида бир неча марта ўз ифодаси ва тасдиғини топган. Асрлар давомида юртимиздан етишиб чиққан алломаларни бутун дунё илм аҳли кўп соҳаларда ўзларига устоз санаб келмоқдалар. Бугунги кунда улар яратиб кетган илмий мерос — тафаккур ҳазинаси нафақат ўзбекларнинг, балки дунёнинг меросига айланган.

Мустақиллик туфайли қайта ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясини ҳам яқин келажакда ана шундай шараф йўли кутмоқда.

Истиқлол туфайли кўз очган булоқ

Бугун Хоразм Маъмун академиясининг қайтадан ташкил этилганлигига уч йил тўлди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 ноябр куни эълон қилинган, қадимда фан, маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган, одамзод тарихидаги илк академиялардан бири бўлмиш «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ана шу улуг ниёт йўлида ташланган хайрли қадам бўлди.

Мустақиллик туфайли миллат қонидаги барҳаёт маърифат жўш уриб, аниқ мақсад касб этди. Юртбошимиз айтганларидек, «**тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Уша даврда улуг аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.**»

Бугунги кунда Хоразм Маъмун академиясида археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология каби илмий йўналишларда бир нафар академик, бешта фан доктори ва 14 нафар фан номзоди, жами 51 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида фундаментал ва давлат илмий-техникавий дастурларига киритилган 9 та мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажарилди. Айни кунда археолог, тарихчи, файласуф олимлар «Хоразмда қадимги ва ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи», «Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни», «IX-XIII асрларда Хоразмда илмий-маданий кўтарилиш жараёнида Хоразм Маъмун академиясининг тарихий ўрни» йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бораётган бўлсалар, тил ва адабиёт йўналишида «IX-XIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги адабий ва лисоний муҳит» мавзуси бўйича ўша даврдаги адабий-лисоний жараёнларнинг шаклланиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, бадиий ижоднинг оғзаки ва ёзма шаклларидаги тараққиёти қонунла-

ри тадқиқ этилмоқда.

Биолог олимлар эса «Республика шимол-ғарбий минтақасида қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навларини ўрганиш», «Маҳаллий қишлоқ хўжалик хомашёси асосида витаминли омикта ем олиш технологиясини ишлаб чиқиш», «Амударё куйи оқимида тупроқ ҳосил бўлиши жараёнининг хусусиятларини ўрганиш», «Хоразм воҳаси термитларининг фаунаси ва экологик-популяцион тавсифи» мавзуларида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Хоразм Маъмун академияси қошида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи «Доривор ўсимликлар боғи» ва «PLANTA» илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. Хива тумани ҳокимининг қарори билан Р.Мадаинов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудидан синов-ишлаб чиқариш ва тажриба базаси учун 10 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Куба, Ҳиндистон, Покистон ва Америкадан ҳар хил ноёб ўсимликлар уруғи олиб келинди. 1999 йилда амарантнинг 4 тури ва соянинг 2 нави ўстирилди. Амарант уруғларидан крахмал олиш усули, мазкур ўсимлик биомассасидан сенаж ва силос тайёрлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Дуккакли дон, сабзавот, полиз, мойли ҳамда техник экинларнинг жами йигирмадан ортиқ навлари Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этилди.

Вилоят туманларида тупроқларнинг хусусиятлари тадқиқ этилиб, шўрланишга қарши таклифлар ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини 15-20 фоизга ошириш мумкинлиги ҳақидаги тавсиялар ишлаб чи-

қилди. Хоразм воҳасида Туркистон ва Катта Каспий термитлари тарқалганлиги аниқланиб, уларга қарши курашишнинг профилактика ва биологик усулларининг самарадорлиги ҳақида тавсиялар яратилди.

Айтиш мумкинки, ўтган йиллар Хоразм Маъмун академияси учун анча самарали бўлди. Академия илмий ходимлари Жалолддин Мангубердининг 800 йиллик тўйи, шунингдек, шоир, тарихчи ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 190 йиллик тантаналарини нишонлашда фаол иштирок этишди. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берувчи қатор илмий мақолалар эълон қилинди, маърузалар, кўргазмалар ташкил этилди. Маъмун академиясида ўнлаб илмий анжуманлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Бир қатор фундаментал, илмий-техникавий тадқиқотлар, шунингдек, илмий-техникавий ва фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳисобидан илмий-тадқиқот ишлари бажарилди.

Академия олимлари томонидан «Қалажиқ қалъасининг археологик тадқиқи», «Хоразм ономастик системасининг шаклланиши ва Авесто», «Амударё куйи оқимида тупроқ ҳосил бўлиши жараёнининг хусусиятларини ўрганиш», «Хоразм архитектура ёдгорликлари техник ҳолатининг илмий-

даги энг шарафли, энг масъулиятли, нафақат шогирд тақдири, балки юрт истиқболини ҳам белгилаб берувчи эзгу вазирадир. Ҳамма ҳам устоз деган улуг номга сазовор бўлавермайди. Зеро, бунинг учун меҳр-муҳаббат, бағринглик, садоқат ва фидойилик лозим. «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Президентининг Фармонида академия олдига олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлуксиз таълим тизими ва фан ўртасидаги узвий, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш каби вазифалар ҳам белгилаб қўйилган эди.

Кейинги икки йил ичида академиянинг тил ва адабиёт йўналишида изланишлар олиб бораётган икки нафар ёш ходими номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Археология, тарих йўналишида ҳам яна икки нафар ёш олим докторлик ва икки нафар илмий ходим номзодлик диссертациялари устида изланмоқда. Бундай ўнлаб илмий изланишлар фаннинг фалсафа, биология йўналишларида ҳам давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси

○ Эй, одам боласи, билгинки, саломатлик бирликда, ихлос тақвода, ҳудожўлик тавбада, ибодат илмда ва бойлик қаноатдадир.

○ Эй, одам фарзандлари, мен сизларнинг ҳусни сувратларингга ва мол-дунёларингга боқмасман, балки дилларингга ва қилган амалларингга боқурман.



«ТЕЗИНТОМ»нинг янги қадами

Марказий Осиёда металл черепицалар ва бошқа хил том ёпиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган «ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг сифати ва чидамлилиги аллақачон мижозлар этирофини қозонган. Республикамиз пойтахти ва бошқа жойлардаги қўплаб қурилиш объектлари бунинг амалий далили бўла олади.

Фақат шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 50 минг квадрат метрдан кўпроқ худди шундай том ёпиш материаллари сотилди ва унга тўхтовсиз буюртмалар тушиб турибди. Ишлаб чиқаришнинг тўла-тўқис компьютерлаштирилганлиги, мижозлар билан ишлаш изчил йўлга қўйилганлиги, энг муҳими — юксак технология, хорижий инженирларнинг жорий этишга интилишининг барқарорлиги корхона ютуқларининг гарови бўлапти.

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси ўз фаолиятини такомиллаштириш йўлида янги қадам қўйди — бу ерда ноябр ойида қора металл ва электр ўтказувчи бошқа материаллардан тайёрланган турли-туман буюмларнинг сиртига ҳар хил рангда полимерли қопламалар суртувчи яна битта цехни ишга тушириш режалаштирилмоқда. Мазкур лойиҳа қўшма корхонани умий ривожлантириш мақсадлари доирасида амалга оширилиб, жамоанинг бозор талабларига сезгирлигидан далолат беради.

Немис технологиясига таяниб...

Технологик жараёнларни астойдил, ҳар томонлама пухта ташкил этиш, атроф-муҳит тозаллиги қондаларига қатъий амал қилиб, йўлга қўйилган чиқитсиз ишлаб чиқариш ва энг замонавий жиҳозларга асосланган немисларга хос анъанавий ишлаб чиқариш сифати — «ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси бош директори ўз фаолиятида ана шу йўналишларга таянмоқда. Ҳар қандай фикрловчи ва ўз ишининг ривож-равнақи тўғрисида ўйловчи раҳбар каби, Элёр Расулович Фуломов ҳам қўл остидаги мавжуд ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни тинимсиз излайди. Шу маънода, бу ерда «МЕЕН» (Германия) фирмасининг ярим миллион дойч марка миқдоридagi жиҳозлари харид қилиниб, ишга туширилиши мутлақо тушунарлидир.

Қопламалар қилиш технологияси асосида трибостатик тамойиллар (олдиндан электростатик майдон таъсирида тайёрланган металл буюм сиртига полимер кукуни қатламни тушириш) турибди. Юксак ҳарорат остида (180-230 °C) полимер кукуни қатламни металл сиртига тушириш ва ўчмас гўзал, чидамли қопламани ҳосил этиш иш жараёнининг якунловчи босқичи ҳисобланади. Бундай қоплама эса кўркамлигидан ташқари буюмларни кучли ташқи таъсир ва турли емирилишлардан ишончли асрайди.

Ҳимоянинг энг юқори даражаси

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси юқори сифатли металл черепицалар ишлаб чиқараётганини ҳамма яхши билади. Металл

черепицалар тайёрланган хонамашё ўзига хос кўп қатламли қоричма бўлиб, унинг асосида ташқи таъсирдан 25 микро қалинликда рух қоплама, грутли ва рангдор полимерли қатлам билан муҳофазаланган пўлат моя туради. Металл черепицанинг ички қуйи қисмига ташқи таъсирни бўшаштирувчи қоплама устидан хом кўрғошин тусли полимер қатлами суртилади. Бундай ҳимоя металл черепицани узоқ ўн йилларга чидамлилигини таъминлайди.

Янги цех буюмларни янада мустаҳкам ва узоқ муддатга чидамли қилади, чунки уларнинг сиртидаги полимерли қопламанинг қалинлигини у ёки бу деталнинг вазифасига кўра белгилаш ва ҳимоялаш даражасини ошириш мумкин. Зарур ҳолларда полимерли қатламини 120 микро қалинликкача оширсан бўлади.

Хорижий шерикларнинг фикрлари

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотлари минтақадаги қурилиш материаллари бозорида рақобатбардор эканлигини исботловчи далиллар етарли. Масалан, Голландиянинг «FINISH PROFILES BV» фирмаси мутахассислари бу янги маҳсулот ишлаб чиқарилишига катта қизиқиш билан қараб, уларни чет мамлакатларга экспорт қилиш масаласида корхонага кўмаклашишга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

— Биз «ТЕЗИНТОМ» фирмаси билан шерик эканлигимиздан фахрланамиз, — дейди ана шу фирманинг бош менежери, жаноб Виллем Лепсселинк. — Аъло даражадаги касб малакаси, маҳсулотларнинг, шак-шубҳасиз, сифатли эканлиги, фирма ходимлари ўз ишини яхши билиши — мана шу омилларнинг барчаси жамулжам ҳолда, ўтган йилнинг якунларига кўра, бизнинг дунёдаги шерикларимиз орасида «ТЕЗИНТОМ» энг яхши фирма, деб этироф этилди.

Фирмамиз «ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси иш бошлаганидан буён у билан ҳамкорлик қилиб келмоқда, мутахассисларимиз ундаги жиҳозларни ўрнатилган ҳам қатнашилган, «ТЕЗИНТОМ» хизматчилари Голландия заводларида тажриба орттириб қайтдилар. Бугунга келиб эса, кечаги шоғирларимиз бўлган бу корхона ишчиларининг ўзидан биз кўп нарсани ўрганган арзийди.

— Жаноб Фуломов анча «айёр фикрли» директор, — деб кулади Лепсселинк. — Очигини айтсам, янги очилган цех — бу тадбиркор корхона раҳбари ўз ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш йўлида ташлаган ажойиб қадамдир.

Гап шундаки, Голландия ва Финляндиядан тортиб Тунисгача — бутун дунёдаги бизнинг шерикларимизнинг шунга ўхшаш заводларида иш кўпдан бери шу пайтгача мавжуд технологияда бажариб келинапти. Ва фақат Ўзбекистонда тайёр маҳсулотнинг таннархини пасайтириш ҳамда одатдаги қора металлга полимерли қоплама бериш тўғрисида ўйланди. Мамлакатингиз халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида бу янги технология бўйича бажа-

рилаётган қоплама катта имкониятларни вужудга келтиради.

Эшик ва ромларга, автомобилларнинг деталлари ва қисмларига Оврупоча дизайн бериш, уларни декоратив ҳимоя қатламлари билан қоплаш — булар янги технология афзалликларининг айрим жиҳатлари, холос.

Ишончим комилки «ТЕЗИНТОМ» билан ҳамкорлик компаниямизнинг Марказий Осиёдаги обрўйини оширади, — деб таъкидлайди жаноб Лепсселинк.

Ғалабанинг оқида

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси, бамисоли шохмат партиясида бўлганидай, кучли от юришлар қилмоқда ва қурилиш материаллари бозорида ўзининг кўпгина кучли рақибларини ортда қолдириб кетаяпти.

Биринчидан, одатдаги «қора» металл полимери қопламалаш асосий маҳсулот — металл черепицалар ишлаб чиқариш учун хорижий қимматбаҳо металлари тежаш имконини беради. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини сезиларли даражада камайтиришга шароит яратди.

Рангли полимерлар билан қопланган қора металлдан том ёпишда қўлланиладиган тарнов, безак «от» ва бошқа шунга ўхшаш қўшимча деталлар ясашда ҳам фойдаланилади.

Иккинчидан, корхона қурилиш технологияси бозорида хизмат кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш мумкин. Бир тасаввурингизга келтиринг: сиз уй қурмоқчисиз ёки уни тубдан таъмирдан чиқармоқчисиз. Бундай пайтда калькуляторни қўлга олиб, орзуингиз қийматини ҳисоблашга тушасиз. Хориждан келтирилган девор панеллари, шифт қопламалари, ромлар, витражлар (суратли рангдор ойналар)нинг «чақувчи» қиймати сизни ўйлантириб қўяди. Бундай кезларда «ТЕЗИНТОМ»нинг янги технологияси туфайли сиз ўзингиз орзу қилган қурилиш-безак материалларини анча арзон ва таажубли равишда, янада юқори сифатлисини олишга муваффақ бўласиз.

Соф қурилиш материалларидан ташқари, ушбу технология турли асбоб-ускуналар, шамдонлар, декоратив панжаралар, нарвонлар, темир тўсиқлар ва ҳоказоларни янада мустаҳкам ва кўркам қилиб тайёрлашга имконият беради.

Мустаҳкам, гўзал, ишончли

«ТЕЗИНТОМ» технологияси асосида тайёрланган девор панеллари ва ҳар хил осма буюмлар полимерли қатлам туфайли пишқ, чидамли ва жозибадор тус олади.

Бутун полимерли бўяш жараёни (бу жараён атиги 40 сония вақтни олади) қуйидагича юз беради: тайёр детални, аввало, тозалаш камерасига жойлаштириб чангдан тозаланади, кейин ювиш камерасида ёғлардан тозаланади.

Шундан кейин пульверлаш камерасида оғзига пурковчи ускуна ўрнатилган «тўппонча» ёрдамида электр ўтказувчи сиртга полимер кукуни сепади. Ниҳоят, термин қайта ишлаш камерасида юксак ҳарорат остида барқарор ва чидамли қатлам ҳосил этилади.

Буюртмачининг истагига кўра, қора металлга ноёб металл кўринишини бағишлаб, рангли тус берилиши ҳам мумкин.

Корхонада барча иш автоматлаштирилган. Махсус транспорт тизими 6 нафар киши ишлайдиган янги цехнинг ҳар бир ходимига ҳатто энг йирик деталларни ҳам технологик йўналиш бўйича енгил ҳаракатлантиришга имкон беради.

Экологик хавфсизликнинг уч шарти

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг фойдасига ишлайдиган яна бир омил, бу — ишлаб чиқаришнинг мутлақо экологик тозаллигидир. Бундай худосанинг учта муҳим асоси бор.

Биринчиси шуки, майда металл бўлаклари атроф-муҳитни булгайдиган чиқитларга чиқарилмайди. Улар тозаланиб, тагин технологик жараёнда қайта фойдаланилади.

Иккинчиси — ювиш ва ёғни кетказишда қўлланиладиган суюқ аралашмалар регенерация камерасида йиғилиб, тингитлади ҳамда улардан қайта фойдаланилади.

Учинчиси — полимер кукунини сепиш жараёни ёпиқ айланма ҳолатда бўлиб, пульверкабина тагига чўкиб қоладиган кукунлар махсус тешик орқали сўриб олинади. Кейин кучли вентиляторлар таъсири остида бир жойга тўплаб тозаланади ва қайта ишлатилади. Тозаланган ҳаво эса яна цехга қайтарилади.

Экологик хавфсизлик ҳаракатининг тарафдорлари диққатига шуни етказамизки, заводнинг бу янги цехидаги 864 квадрат метр майдонда бира йўла учта ҳавони тозалаш камераси ўрнатилган.

Германияда мавжуд шунга ўхшаш қурилмалар амалиёти исботлаётгани, улар атрофдаги табиий муҳитга асло салбий таъсир кўрсатмайди. Ишлаб турган

қурилмаларнинг шовқин даражаси белгиланган меъёрдадир. Бундай хулосалар Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.

Биз кашфиётлар кутамиз

— Биз «ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонасидаги бу янги ишлаб чиқаришни сабрсизлик билан кутаямиз, — дейди «VARI MT» ўзбек-чех қўшма корхонасининг ижрочи директори Рамзиддин Бобораҳимов. — Гап шундаки, бизнинг корхонамиз кичик қишлоқ ҳўжалик техникаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Ўзбекистон шароитида тиркама ускуна митти-тракторларга эҳтиёж катта. Шартноманинг Чехия томони талабига кўра, бизнинг корхонамиз плуг, лемех, борона, махсус шатак арава каби тиркама ускуналар чиқариши ва Чехияга жўнатади. Бироқ «VARI» фирмаси андозалари даражасида деталларга бўёқ бериш бора-бора бироз мушкуллик туғилди. Чунки нафақат Ўзбекистонда, балки умуман Марказий Осиё худудида металл сиртига, бамисоли Чехия заводларида бўлганидай, полимер кукунларини сепишнинг юксак сифат даражасига ҳали эришилмаган.

Деталларга бўёқ беришдан воз кечиш эса шартномани тўла бажармаслиқдир. Ва бу ўз навбатида даромаднинг бир қисми йўқотилди, деган гап. Биз бу масалада «Ўзинвестлоийха»га мурожаат қилгач, «ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонасида кукун усулида металлга полимерли қоплама қилиш йўлга қўйилганлигини эшитдик.

— Бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш фақат «ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси фаолиятида эмас, балки бизнинг ишимизда ҳам олдинга қараб қўйилган қадамдир. Негаки, биз Ўзбекистоннинг ўзидаёқ халқро андозаларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўламиз, — деди ўз фикрини якунлаб Р. Бобораҳимов.

Ноябрда — «ТЕЗИНТОМ»га мурожаат қилинг

«ТЕЗИНТОМ» ўзбек-герман қўшма корхонаси илгор технологияларни жорий этишда давом эта-япти. Корхона мутахассислари энг талабчан мижозларнинг ҳам хоҳлаган буюртмасини бажаришга шай. Қўшма корхонани топиш қийин эмас. Бунинг учун Муҳиддинов кўчаси, 1-уй, «ТОЭМЭ-1»га ташриф буюрсангиз, бас (мўжал — метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати) ёки қуйидаги рақамлар орқали телефон қилинг:

162-42-47, 162-78-59, 162-42-74

Хат орқали мурожаат қилувчилар учун:

Факс: 162-41-05; E-mail : tezintom @ globalnet.uz.



С. САИДНАЗИРХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат вазирлиги
Халқаро алоқалар
бошқармаси бошлиғи

Умумжаҳон ҳўжалик алоқаларига қўшилишимиз учун олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сўбатнинг муҳим таркибий қисмларидан бири — ишчи кучи ташқи миграциясидир. Бу иш мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги касб фаолияти тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомда аниқ кўрсатиб берилган.

Ишчи кучини экспорт қилиш халқ фаровонлигига, иқтисодий ривожланишга, ички ва ташқи пул-молия бозори муносабатларига ижобий таъсир қилиб, мамлакат меҳнат бозорининг ривожланиш даражасининг ўсишига, чет элларда иш билан банд бўлган фуқароларимизнинг маънавиятини оширишга, замонавий технология ва техникани ўрганиш, тадбиркорлик маданияти ва тажрибасини бойитиш, қонунчиликка риоя қилиш, умуминсоний қадриятларнинг миллий маданиятимиз билан уйғунлашувига қўмаклашади. Шунингдек, иқтисодий ривожлантиришда ташқи ва ички меҳнат бозорларининг уйғун ривожланишини таъминлаш яхши са-

мара беради. Рақобатга шай му- тахассислар тайёрлашда хорижий мамлакатлар билан ишчи кучи айирбошлаш орқали миграция салоҳиятини ва аҳолининг ҳара- қатчанлигини ошириш учун му- ҳим омил бўлиб қолади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги қарорига кўра, Меҳнат вазирлиги қошида Мухожир-меҳнатқашлар бўйича

олиш дафтари» тугилган. Бу ма- салада аҳолига тўлиқ маълумот бериш мақсадида ягона турдаги «Эълонлар тахтаси» жорий этил- ган бўлиб, ҳар бир туман ва ша- ҳар меҳнат бўлимларида ўрна- тилган. Уларда фуқароларни рўйхатга олиш тартиблари му- каммал ёритилган, аризалар на- муналари, иш берувчи талаб- лари, ҳужжатлар йўналиши ме- ха-

ариза топширган номзодларнинг тартиб рақамлари уларнинг меҳ- нат бўлими номига ёзган ариза- сида кўрсатилган кун асосида белгиланади;

шаҳар ва туман меҳнат бўлим- лари томонидан ўрнатилган тар- тиб асосида ва вилоятга ажра- тилган иш ўринларига мувофиқ, номзодлардан қабул қилинган, «Эълонлар тахтаси»да кўрса-



Асосий мезон — ошқоралик ва адолат

Чет элда касб ўрганиш ва ишлаш истагидаги фуқаро нималарга эътибор бериши хусусида

республика ваколатхонаси таш- қил этилган эди. Унинг асосий вазифаси республикамиз фуқа- роларининг хорижда касб ўр- ганишлари ва малака ошириш- лари учун етарли шароит яратиш- дан иборатдир. Жумладан, ушбу ваколатхона томонидан ҳозирги кунга қадар хорижий давлатлар- га касб ўрганиш ва ишлашга 6485 нафар фуқаро жўнатилган. Жор- ий йилда эса 1791 нафар фуқа- ро юборилди. Шулардан 2859 нафари хорижий мамлакатларда меҳнат фаолиятини олиб бормоқ- да. Жумладан, Корёя Республи- касида — 2800, АҚШда — 10, Малайзияда — 11 ва бошқа мам- лакатларда 38 нафар фуқаро ху- сусий меҳнат шартномалари асо- сида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон фуқароларини хо- рижий мамлакатларга касб ўр- ганиш ва ишлашга юбориш маса- лаларида ошқоралик ва адолат- га эришиш мақсадида, туман ҳамда шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимларида «Ўзбекистон Республикаси фуқа- роларининг мамлакат ташқари- сида меҳнат фаолияти олиб бо- риш учун номзодларни рўйхатга

низми ва керакли ҳужжатлар рўйхати ҳамда ҳар ойнинг яку- ни бўйича номзодлар рўйхати кўрсатилган. Бундан ташқари, чет элда ишлаш истагини бил- дирган фуқаролар туман, шаҳар меҳнат бўлимлари томонидан рўйхатга олиниш жараҳида уларга нисбатан ноҳақлик, қонунбузарлик аломатлари юз берса, бу ҳақда юқори ташқи- лотларга ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилиш учун «Эълонлар тахтаси»да те- гишли телефон рақамлари ҳам кўрсатилган. Шунингдек, хо- рижий давлатларда касб ўрганиш ва меҳнат фаолиятини олиб бо- риш истагини билдирган ном- зодлар қўйидаги ҳужжатлар асо- сида кўриб чиқилади.

Хорижий давлатларда касб ўрганиш ва меҳнат фаолиятини олиб бориш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқа- ролари иш берувчининг талаб- ларига жавоб берган ҳолда турар жойларидаги туман, шаҳар меҳ- нат бўлимларига ариза билан му- рожаат қилишлари ва номзодлар- ни қайд қилиш дафтарида рўйхатга туришлари лозим; ўрнатилган тартиб асосида

тилган ҳужжатлар тартиб рақа- мида мувофиқ ва навбат асоси- да вилоят меҳнат бошқармала- рига топширилади. Вилоят меҳ- нат бошқармалари бу ҳужжат- ларни фуқароларни чет элга иш- лашга юбориш учун номзодларни танлаш вилоят Идораларо ко- миссиясига тақдим қилади;

вилоят меҳнат бошқармала- ри ушбу комиссия кўригидан ўтган номзодларнинг ҳужжатла- рини Мухожир-меҳнатқашлар бўйича республика ваколатхона- сига рўйхат бўйича қайд қилин- ган тартиб рақамлари асосида топширади;

Мухожир-меҳнатқашлар бўйича республика ваколатхона- си томонидан ҳужжатлар Ўзбе- кистон Республикаси фуқарола- рини чет элга ишлашга юбориш учун номзодларни танлаш рес- публика Идораларо комиссия- сига тавсия қилинади;

мазкур комиссия томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асо- сида хорижий иш берувчига ном- зодларнинг шахсий варақалари юборилади. Хорижий давлатнинг чет элдан ишчиларни жалб қилиш қонун-қоидаларига муво- фиқ маълум муддат ичида хо- рижий давлатга кириш визаси ма- саласи кўриб чиқилади;

номзодлар ҳужжатларининг

юборилиш санасидан қатъий назар, хорижий иш берувчи томонидан қайси номзодга ча- қириқ таклифномаси келса, ўша номзод ўрнатилган тар- тиб асосида чет элда меҳнат фаолияти олиб бориши учун Мухожир-меҳнатқашлар бўйи- ча республика ваколатхонаси- нинг ўқув марказига таклиф қилинади;

чақириқ визаси келган фу- қаролар иш берувчи мамла- катга юборилишидан олдин 15-20 кун давомида Мухожир- меҳнатқашлар бўйича респу- блика ваколатхонаси ўқув мар- казида таълим оладилар (Иш берувчи мамлакат география- си, тарихи, урф-олати, тили ҳамда техника хавфсизлиги хусусида).

Фуқаролар вилоят, туман ва шаҳар меҳнат бўлимлари томонидан ушбу масала юза- সিда тўрачилик аломатлари- ни сезсалар, вилоят ҳокимли- гидаги Идораларо комиссия раисига ёки ҳуқуқни муҳофа- за қилиш органларига му- рожаат қилишлари мақсадга му- вофиқдир.

Хулоса сифатида шунга ай- тиш мумкинки, чет элда касб ўрганиш ва ишлаш истагида бўлган фуқароларимиз, авва- ламбор, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, мажбуриятларини, тартиб- қоидаларни билишлари ҳамда шубҳали кимсалар тақдим қилаётган ҳар хил ҳужжатлар- га ўта эҳтиёткорона муноса- батда бўлишлари, энг тўғри ва мукаммал маълумот олиш учун мазкур масала бўйича жойлардаги расмий меҳнат бўлимларига муурожаат қилиш- лари лозим.



Куни кеча пойтахтнинг «Са- марқанд» автошўбekaтида йўлов- чилар учун қўтилмаган воқеа со- дир бўлди. Бу ерга «Тошкент-Бе- кобод» йўналиши бўйича қатнай- диган янги «Икарус» автобуси ке- либ тўхтади. Эшиклар очилгач, ундан хушбичим формадаги икки киши тушиб келиб, ним жилмай- ган ҳолда йўловчиларни салонга чорлади.

Бундай тавозега биринчи бор дуч келиб турган йўловчилар са- лонга чиқишга иккилашиб қолиш- ди. Дарҳақиқат, миждоларнинг ик- қиланганларича бор. Чунки авто- бус салонига тўшалган пойандоз, ойна қисмларига тугилган янги дарпардалар ва унинг ички қис- мида ўрнатилган телевизор ва ра- диодан таралаётган майингига куй уларни анчагина шошириб қўйганди.

Йўловчилар бирма-бир ўрин- диқларга жойлашиб олишгач, стюарлар салонда яратилган ша- роитлар хусусида қисқагина маъ- лумот беришди. Жумладан, йўлов- чилар белгиланган манзилларига етиб борунларига қадар турли

Автобусда...



Янги
хизмат
тури

телевизор, телефон

хил газета-журналлардан эркин фойдаланишлари ва енгилгина та- мадди қилиб олишлари учун чой, кофе, ширинлик ва ичимликлар истеъмол қилишлари мумкин. Бундан ташқари, улар салондаги уяли алоқа тармоғидан истаган

жойига қўнғироқ қилиш имкониятига ҳам эга. Муҳими, йўналишдаги ушбу хизмат турла- рининг барчаси бепул. Чипта нар- хлари ҳам деярли ўзгармаган.

Ҳойнаҳой, бундай замонавий қулайликларга эга бу автобус би-



стюар,

ронта ишбилармонга тегишли бўлса керак, деган ҳаёлга борсан- гиз, мулақо янглишасиз. У «Бе- кобод автобус-таксимотор саройи» ҳиссадорлик жамияти томонидан йўлга қўйилди.

— Хусусий ва давлат корхона- лари ўртасида рақобат кучаяётган бир пайтда аҳолига янги-янги хиз- мат турларини таклиф этиш, уни босқичма-босқич жаҳон андозала- ри талабларига яқинлаштириб бориш бугунги куннинг тала- бидир, — дейди «Бекобод АТС» ҳиссадорлик жамияти иқтисодчи- си Ботир Зарипов. — Шу мақсад- да ҳозирча тўрт йўналиш бўйича шундай қулайликларга эга авто- буслар қатновини йўлга қўйдик. Агар у ўзини оқласа, яъни йўлов- чилар уни афзал билишса, бундай комфортабелли автобуслар сони тагин-да кўпайтирилади. Режага кўра, «Бекобод-Ангрен», «Беко- бод-Гулистон» ва «Бекобод-Самар- қанд» йўналишларига ҳам ана шундай турдаги автобуслар қат- най бошлайди. Бунинг учун им- кониятимиз етарли. Тўғри, ҳозир- ча янги хизматлар учун сарфла-

наётган харажатлар бизнинг фойдаимиз ҳисобидан қопла- наётган бўлса-да, у келгусида яхшигина самара келтириши аниқ.

...Автобус секин жойидан жилади. Стюар Олимжон Ол- мосов овозбаландлагич орқа- ли кейинги бекат номини маъ- лум қилади.

Шу аснода йўловчи Наргиза Омоновани суҳбатга тортамин.

— Ростини айтсам, бундай автобусга илк бор чиқишим. Қаранг, кофе, зериканларга га- зета-журналлар таклиф қила- япти, — деди у салонда хизмат кўрсатаётган стюарга ишора қилиб. — Бундай шароитда Бе- кободга қандай бориб қолган- лигини билмай қолсам керак.

— Ҳозирлаққ сезилиб ту- рибдики, бундай қулай шароит аэрофлотда кўрсатиладиган хиз- мат даражасидан ҳеч ҳам қолишмайди, — дейди яна бир йўловчи Тошболта Худойкулов. — Қанийди, бундай шинам ав- тобуслар узоқ йўналишларга ҳам жорий этилса.

«Бекобод АТС» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти мамлака- тимизда илк бор ана шундай хайрли ишга қўл урди. Уйлай- мизки, бекободлик автотранс- порт хизмати ходимларининг саъй-ҳаракатлари республика- мизда кенг оммалашади.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Усмон МУҲАМЕДОВ,
«Мотор» газетаси
мухбири.

СУРАТЛАРДА: ҳайдовчи Аб- дураззоқ Ҳакимов (чапда) ва стюар Олимжон Олмосов; салон- нинг ички қисми.

Нўмонжон
МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

Кимки қилса яхшиликлар, эл аро ҳурматлидир

Азиз устозлар

Жонингизни тикдингиз элга,
Дарёларни бурдингиз чўлга,
Яқиндирсиз ҳар бир кўнгалга,
Фахримизсиз, азиз устозлар,
Бахтимизсиз, азиз устозлар.

Фаришталик чехрангиз доим,
Сўзларингиз оқил, мулойим,
Сизга умр берсин қлойим,
Фахримизсиз, азиз устозлар,
Бахтимизсиз, азиз устозлар.

Дунё гўзал эрур Сиз билан,
Тўйхоналар тўлур Сиз билан,
Олам яшнаб кулур Сиз билан,
Фахримизсиз, азиз устозлар,
Бахтимизсиз, азиз устозлар.

Нур ёғлар юзларингиздан,
Меҳр оқар кўзларингиздан,
Магно тердик сўзларингиздан,
Фахримизсиз, азиз устозлар,
Бахтимизсиз, азиз устозлар.

Дуоларга очсангиз кўлни
Нурфшонлар этарсиз билни,
Кўрсатарсиз бизга ҳақ йўлни,
Фахримизсиз, азиз устозлар,
Бахтимизсиз, азиз устозлар.

Кўшиқ қилиб куйлайин сизни,
Кечаларга улаб кундузини,
Оқлагаймиз биз тузингизни,
Фахримизсиз, азиз устозлар,
Бахтимизсиз, азиз устозлар.

Кеча мустақил мамлакатимизнинг, халқимизнинг осийишталигини таъминлаб турган заҳматкаш инсонлар — милиция ходимлари ўзларининг касб кунини нишонладилар. Уларнинг элу юрт тинчлиги йўлидаги хизматлари таҳсинга сазовор. Яна таҳсинга лойиқ томони шундаки, бу касб-кор эгаларининг орасида нафақат амалий саъй-ҳаракатлари билан, балки ўз ижоди, шеърляти билан халқ орасида обрў-эътибор топган, ҳурмат қозонган закий инсонлар бор. Шулардан бири республика Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Уткур Жўраевдир. Биз Уткур Жўраевнинг ҳамisha уйғоқ ва сергак қалб живоҳирларидан намуналарни Сизга ҳам ишондик.



Ўткур Жўраев

Агар эр бўлсанг

Ут чақнасин эр бўлсанг
юрганда оёгиндан,
Вафоли бўл доимо,
ёр куймасин доғиндан.
Тутма ўзингни баланд
сен асло одамлардан,
Дўстлар андоза олсин,
завқлансин сиёгиндан.

Муҳаббатинг қадрин бил,
қайтарилмас ҳар они,
Ҳар ким ҳам гул термасин
ул яшнаган боғиндан.
Яхшилар билан бўлсин,
яқин этма ғанимини,
Яхшиларга суь тутсин
муҳаббат булоғиндан.

Гулбоғларни кезганда
узма дуч келган гулни,
Шундай гул узгин, ҳиди
кетмасин думоғиндан.

Йўқса бехуда хазон
этарсан гул умрини,
Қон отилар зор қақшаб
ул нозик бармоғиндан.

Даврага кириб қолсанг
сўзлама бехудага,
Кўп ўйлаю оз сўзла,
кетмасин қулоғиндан.
Дўстларни билиб танла,
дўст бўлсин бир умрга,
Қулоққа тутсин шуни,
асра ёшлик чоғиндан.

Насиҳат дема асло
сўзлаган сўзларимни,
Айрилиб қолма дейман
кўзлаган муродиндан.
Уткур, йўқотмай десанг
гар бахтинг юлдузингни
Талаб қилгин шуни сен
ҳар битта зурёдиндан.

НАСИҲАТ

(Яссавийга ўхшатма)

Эй, болам, билгилки, ким ҳимматли, у иззатлидур.
Сўзлари бўлса мулойим, ул киши ифбатлидур.
Яхши хулқи бирла ким эл аро обрў топар,
Хуш такаллуф, камтарин у, ёзғуси хушхатлидур.
Бошига тушса жудодлик, эсса ғанининг юклари,
Қалбини тоғ этгали дўст билан қудратлидур.
Қалби Оллоҳ васлида, қўллари меҳнатдаю,
Ким умид қилса етар шу — мақсуди-ла бахтлидур.
Ёнида турса вафодор аҳли нур ёри кими,
Ул киши жаннат томонга бурса юзни ҳақлидур.
Ҳеч ҳасад, кибру ҳавони қилмангиз дўсту асла,
Бу ёмон иллат йўли, ул одам баднафслидур.
Сўз бер, эй, Уткур Жўра, буйсуниб қалб амрига,
Кимки қилса яхшиликлар, эл аро ҳурматлидур.

Ойнаи жаҳонда

ЯКШАНБА, 19

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камелан». Болалар учун юнодастур.
9.05 «Кўра замин орангари». Концерт.
9.30 «Ҳаройибот».
9.45 «Умид» намоийш этади:
9.45 «Умид» ахбороти.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Йлос».
11.20, 12.10 ТВ-метео
11.30 2000 йил - Соғлом авлод йили.
«Бола бошдан».
11.50 «Шоҳрух» клуби.
12.20 ҲТВ экранда биринчи марта
«Сохибкамол ва махлуқ». Мультифильм.
2-қисм.
13.50 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
14.20, 22.45 ТВ-анонс
14.30 «Улмас мерос». А. Худоят.
15.20 «Цирк! Цирк! Цирк!»
15.40 ТВ-клип.
15.45 «Бўстон».
16.05 «Кувноқ шаҳарча». Телевизион
ўйин.
16.30 «Оханларга ошурфа кўнгли».
Х. Ҳамидов.
«Спорт» дастури:
16.55 Экин юрдаш бўйна Ўзбекистон биринчи
чилиги Буюр.
17.25 «Спорт уик-энд».
17.50 «Елгончилар қасри». Мультифильм.
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Куйлардан кўшиқларга».
18.55 «Ўзлик». Бадий-публицистик
кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга савҳат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-
дам олиш дастури.
21.40 «Телевизион миниатюралар теат-
ри».
22.15 «Олам футбол».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.00 Кино янгиликлари.
23.15 «Биринчи рақамли қаҳрамон».
Бадий фильм. 1-2-сериялар.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.
Телеканал «Ёшлар»
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».

9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш
ўтирма». «Мультимоша».
9.35, 10.25 «Мусиқий лаҳзалар».
9.45 «Футбол плюс...»
10.05 «Ёшлар овози».
10.35 «Хуқуқ ва бурч». Конституция
ва ёшлар.
10.55 «Дастхат».
11.15 «Ёшлар» телеканалда ҳар-
бий-ватанпарварлик дастури: 1.
«Марду майдон», 2. «Аскар мак-
тублари», 3. «Аскар хангомалари».
12.05 «Ўзбекфильм» тухфаси: «Мар-
ғиёна». Бадий фильм. 2-қисм.
13.05 «Очун».
13.20 «Эркин фикр».
13.50 «Ўткан кунлар». Бадий
фильм. 3-қисм.
14.35 «Хайрат».
14.55 «Динозаврлар билан сайр».
Телесериал. 2-қисм.
15.25 «Синфдош»
15.50 «Ақамнинг меҳрибонлари». Ба-
дий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» почтаси, «Уй ва-
зифаси», «Мультимоша».
18.05 «Ўзбекистон ёзозли аёллари»:
Муқаррама Турғунбоева.
18.25 «Болажонлар».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр»-news.
19.15 «Бу мунис лаҳзалар».
19.40 «Якшанбада кўришунча».
19.55 Дониёр Файз куйлайди.
20.20, 21.10, 22.40 Эълонлар
20.25 «Ўткан кунлар». Бадий
фильм. 4-қисм.
21.15 «Буюк юрт фарзандиман».
«Олимпиада-2000» чемпиони Му-
ҳаммадқодир Абдуллаев.
21.45 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ҳафта ичида.
22.45 «Ёшлар» телеканалда пре-
мьер. «Нажот кемаси». Бадий
фильм.
0.15-0.20 «Хайрли тун».
Телеканал «Тошкент»
9.00 «Тонги пойтахт».
9.50 ТТВда сериал: «Санта-Барба-
ра».
10.30 2000 йил - Соғлом авлод
йили. «Спорт оламида».
10.50 «ТВ плюс».
11.15 «Экспресс» телегазетаси.
11.30 «Туризм ҳақида».
12.00 «Хусусийлаштириш: кадам-ба-
кадам».
12.20 «Дорихона эшитида».

12.50 «Сайёрамик бўйлаб». 51-
қисм.
13.15 «Мусиқий меҳмонхона».
13.40 «Ишон».
13.55-14.45 «Жаҳон географияси».


17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильм.
18.15 «Этиқод».
18.30 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
18.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.10, 20.25 «Табриқлаймиз, кутлай-
миз».
20.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
21.10 ТТВда сериал: «Санта-Барба-
ра».
21.50 «Тасанно».
22.10 «Омад» тележурнали.
22.30 «Эхтиром ила».
22.50 ТТВда сериал: «Санта-Барба-
ра».
23.30 Оханлар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ, «Пок куртизан
қизи».
1.15-1.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Тонг» дастури.
10.05 «Эртақларнинг сеҳрли ола-
ми».
10.45 «Парле ву франсе?»
12.10 «Ўзбекистон янгиликлари»
(инглиз тилида).
12.20 «Болалар олами».
12.40 «Фан-тайм» (Болалар учун
инглиз тили).
12.50 «Клип-антракт».
13.00 Кинематограф. «Кутилмаган
меҳмон». Бадий фильм.
14.15-15.20 «Дўстлик» видеоканали:
«Айчурек», «Дидар», «Машриқ
оханглари».

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 CF1 тақдим этади «Байрамлар
юрти».
17.30 «Интернет худуди».
17.45 «Тенгдошлар».
18.10 «Клип-антракт».
*
18.15 «КВН-2000».
20.25 Жаҳон киноси. «Коррупцио-
нер» жангари фильми.
*
22.30 «Бизнес-ревью».
22.40 «Британия кўндалиги».

22.55 Кинематограф. «Коктейль».
Бадий фильм.
00.35 «Тахлилнома» (рус тилида).
1.05 «Унингиз осуда бўлсин».
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телехамкор». Фойдали газета.
Метеохабар.
9.30 Болалар канали.
10.00 «Қалдирик тошлар». Ёшлар
учун сериал.
10.30 Болалар учун фильм. «Қор ма-
лика».
12.00 «Телехамкор». Фойдали газе-
та.
12.30 Оилавий кино. «Ёқимли иш-
таха, телевизорча». Комедия.
14.15 «Шоҳид». Ҳужжатли фильм.
14.45 «Сиквест». Фантастик сериал.
15.30 Ҳинд киноси. «Бомбей». Ме-
лодрама (Ҳиндистон).
18.05 «Телехамкор». Фойдали газе-
та.
18.30 «Ўзингни кўрсат». Дам олиш
дастури.
19.00 Детектив соати.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Телехамкор». Фойдали газе-
та.
20.25 «Клип-совга». Телетабриқно-
ма.
21.20 «Жозанн» гўзаллик салони на-
моийш этади.
21.25 Метеохабар.
21.30 «30-канал»да якшанба киноқо-
шони. «Куз афсонаси». Мелодрама
(АҚШ).
23.15 «Европа футбол»и. Спорт
дастури.
24.00 «Кино, кино, кино».
РЖТ
7.45 «Рўхоний сўзи». Митрополит
Кирилл.
8.00, 10.00, 15.00, 18.00 — Янги-
ликлар.
8.10 «Россияга хизмат қиламан!».
8.40, 16.30 — «Дисней-клуб».
9.05 «Тонг юлдузи».
10.10 Дм. Криловнинг «Йўлда
ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Хамма уйдалиғида».
11.10 Л. Дуров, Г. Вицин, Е. Мор-
гунов ва М. Пуговкин «Жаноб ар-
тистлар» фильмида.
12.50 «Тонгги почта».
13.20 «Саёҳатчилар клуби».
14.05 «Эх, Семёновна!». Бутун-
россия лапарлар танлови.

14.45 «Бир нодир асар тарихи».
Кремль хазинаси.
15.10 «Баффи». Саргузашт коме-
дия.
16.00 «Оқиллар ва ақлчилар».
17.20 М. Плисецкая «Ажойиб ки-
шилар ҳаёти» дастурида.
18.15 «КВН-2000».
20.25 Қойилмақом премьер. «Ко-
ррупционер». Супер жангари
фильм.
22.30 «Фаслар». В. Познер да-
стури.
23.45 «Беверли Хиллз бўйлаб
юқорига ва пастга». Комедия.
РДТ
7.30 Мультифильмлар.
8.20 «Отам, онам, мен - спорт-
чилар оиласи».
9.05 «РТР почтаси».
9.35 «Хайрли тонг, юртим!».
10.15 «Аншлаг» ва Ко.
11.15 «Шаҳарча».
11.45 «Рус лотоси».
12.25 «Федерация».
13.05 «Парламент соати».
14.00 «Вести».
14.20 «Жониворлар ҳақида муло-
қотлар».
15.25 «Ер сайёраси».
16.20 Т. Сливак, Н. Белохвостич-
кова, Г. Вицин «... Ҳарф терувчи
билан бўлган воқеа» комедияси-
да.
17.00 «Икки рояль».
18.00 «Ўз-ўзига режиссер».
18.35 «Турк марши». Сериал.
20.00 Н. Сванидзенинг «Кўзгу»
дастури.
21.20 А. Нилов ва С. Варчук «Та-
мгаллар» жангари фильмида.
23.55 «Грушинск фестивали». Му-
аллифлик кўшиқлари концерти.
01.00 Балерина юбилейга. «Та-
ниш ва нотаниш М. Плисецкая».
ТВ-6
8.30 «Унутилмас». Жангари
фильм.
10.30, 15.25, 20.35 - «Йўл назо-
рат»и.
10.45 «Star старт».
11.15 «Фасон».
11.50 «Бенни Хилл шоуси».
12.45 «Тармоқ» интернет-дастури.
13.30 «Мен хаммасини биламан».
Интеллектуал шоу.

14.30 «Хамма боққа!».
15.00 «Канон».
15.50 «XX асрнинг энг шов-шув-
ли хивоятлари». Сериал.
16.50 «Амба-ТВ». Ҳажвий шоу.
17.20 «Саломатлик формуласи»
теледукони.
17.30 «Сиз - шохидсиз» И. Уса-
чев билан.
18.30 «Яна 33 квадрат метр».
Ҳажвий сериал.
19.45 «Ҳафта ҳалокатлари».
20.50 «Чайка» театрлаштирилган
фестивалининг гала-тақдироти.
22.15 «Вулқон». Ҳалокатли
фильм.
00.05 «Х-фактор».
00.40 Х. Кейтел, Т. Уильямс «Эр-
калар клуби» фильмида.
НТВ
8.00, 19.40 — «Миллий хавфсиз-
лик агенти». Сериал.
8.55 «Омадли». Телеўйин.
9.45, 15.45 — Мультифильм.
10.00, 12.00, 18.00, — «Бугун».
10.15 Л. Харитонов ва Т. Пельт-
цер «Иван Бровкин кўриқ ерда»
комедиясида.
12.20 «Кутқарув хизмати».
12.50 «Уни Никита деб атарди-
лар». Сериал.
13.45 «Кекса ота-оналар».
14.15 «Табиятшунос саёҳатлари».
14.45 «У котиллики баён этди».
Сериал.
15.55 «Криминал Россия». Ҳуж-
жатли сериал.
16.30 «Учинчи тайм». С. Шустер
дастури.
17.30 «Рубль зонаси». Ю. Латини-
на дастури.
18.25 «Мустақил текширув»
Н. Николаев билан.
19.10 «Дориномасиз».
21.00 «Яқунлар».
22.35 «Кўгирчоқлар».
22.50 «Тубан кетган фаришта-
лар». Сериал.
23.30 «Яқунлар» В. Шендерович
билан.
23.50 Э. Робертс «Менинг зиё-
фатим» фильмида (АҚШ).
01.50 Фигуралар учини. Россия ку-
боги гран-присининг чемпионлик
серияси. Аёллар. Жуфтликлар.
Эркалар. Кўргазмали дастур.



Сурхон ажанта фарма лимитед

қуйидаги дори-дармонларни савдога чиқаради:




- "Апциллин-500", капсулалар, №10 (Ампициллин 500 мг)
- "Апциклин-250", капсулалар, №10 (Тетрациклин 250 мг)
- "Апмицин-40", ампулалар, №10 (Гентамицин сульфат 40мг/2мл)
- "Апмицин-80", ампулалар, №10 (Гентамицин сульфат 80мг/2мл)
- "Апальгин-500", ампулалар, №10 (Анальгин 500мг/1 мл)
- "Апламин-500", ампулалар, №10 (Витамин В12)
- "Апальгин", таблеткалар, №10 (овриқни қолдирувчи восита)
- "Тибинил Р-150", капсулалар, №10 (Рифампицин 150 мг)
- "Тибинил Р-300", капсулалар, №10 (Рифампицин 300 мг)
- "Тримол", таблеткалар, №10 (овриқни қолдирувчи восита)



Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 54.

Маълумот учун телефонлар:
(3712) 56-75-84, 56-75-89, 152-34-91.

«Спецремонтажкомплект» корхонасига тегишли 5399845-5399850 рақамли фойдаланилмаган варақалари бўлган чек дафтарчаси йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.



БИЗНИНГ МАҲСУЛОТИМИЗ —
БУ ЮКСАК СИФАТ КАФОЛАТИ.

ТАШКИЛОТ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
қуйидагиларни сотади:

- КАБЕЛЬ
ЎТКАЗИЧ
МАҲСУЛОТЛАРИ
ИЛМ. ИТ. АЭС. АИИ. ИТ. ХИТ. ИТ.
ИЭ. ИЭ. АИИ. ИЭ. ИТ. ИТ. ИТ.

- ЕРИТГИЧЛАР
ИЛМ. АЭС. АИИ. ИТ. ХИТ. ИТ.


- ААМЛАЛАР
ИЛМ. АИИ. ИТ. ИТ. ИТ.

ЯҚИН ВА УЗУҚ
КОРИҚДА ТУРАН
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА
МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ШАРТЎЗГАНА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ
ИМКОНИЯТИ БОР.


Тел/Факс: (+998 71) 136 01 54; 133 12 84

Ўт сафро (буйракдаги), ошқозон-ичак
оғриқларида самарали дори

АСПАЛЬГИН



Бу дори кучли
оғриқни босади



ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.

ОГРИҚ

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

АПАЛЬГИН

(500 мг анальгин) оғриққа қарши куч

Ташкилот Тошкент шаҳридаги
омбордан қуйидаги
янги техникалар

трактор Т-30 (Владимир)

трактор ЛТЗ (Липецк)

трактор МТЗ (Минск)

ва КФМ, КФО-2 русумидаги 12290-89 ГОСТли
«Косинская бумажная фабрика»
ОТАЖ (Россия Федерацияси) да
ишлаб чиқарилган озуқа суюқликларини

ФИЛЬТРЛОВЧИ КАРТОННИ
таклиф этади.

Бизнинг телефонлар/факс:
(3712) 54-96-11, 54-69-13, 54-96-40



ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT СANOAT-ҚУРИЛИШ БАНКИ —
«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН
ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки Кенгаши акциядорларга шуни маълум қиладики, 2000 йил 15 декабр соат 11.00 да Тошкент шаҳри, «Хоразм» кўчаси, 5-уйда жойлашган Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги биносида «Ўзсаноатқурилиш-банк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

Делегатлар ва акциядорларни рўйхатга олиш
соат 10.00 да бошланади.


ЙИГИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2000 йил бошидан бугунги кунга қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолияти ҳақидаги ҳисоботи.
2. Банк Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
3. Банк Устав капиталини шакллантириш тўғрисида.
4. Бошқа масалалар.

2000 йил 3 ноябр ҳолатига «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари реестрига киритилган акциядорлар йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Йиғилиш иштирокчиларини ёнларида паспорт ва ишончнома билан келишларини сўраймиз

Ўзбекистон акциядорлик
тижорат саноат-қурилиш банки —
«Ўзсаноатқурилишбанк»
Кенгаши.



• Билганларимиз ҳақида билмаганларимиз

Ҳиллари хонимнинг галабаси

Куни кеча АҚШ фуқаролари президент сайлови билан овора бўлиб, мамлакатда бошқа бир сайлов ҳам ўтказилганига унчалик аҳамият бермади. Билл Клинтоннинг севикли рафиқаси Ҳиллари Клинтон Нью-Йорк штатидан АҚШ конгресси сенатидан жой олиш учун кураш олиб бораётган эди. Қийин кечган сайловда Нью-Йорк штати аҳолиси ўз манфаатларини Капитолида ҳимоя қилиш учун Ҳиллари Клинтонга ишонч билдирди.



Ҳиллари хонимнинг рақиби давлат Нью-Йорк штати Мэри Рудолф Жулиани эди. Бироқ у апрел ойида қўққисдан кураш майдонидан чиқишини эълон қилди. Маълум бўлишича, республикачи Р. Жулиани рақибсиз равишда йўқликка эришди. Сўнгра унинг ўрнини АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси аъзоси Рик Лазно эгаллади. Гарчи Ҳиллари Клинтон Нью-Йоркда туғилмаган бўлса-да, у ушбу штат аҳолисининг ишончини қозонди. Бунинг учун у сайловда компаниясини фаол олиб бориш учун Нью-Йорк штатини тарқ этмади. Ҳатто Ҳиллари хоним мазкур штатдан 1,7 миллион долларга уй сотиб олиб, шу ерда яшай бошлади.

Ҳиллари Клинтон сайловда талбирларида штатдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга бор куч ва ғайратини сарфлашини маълум қилган. Муаммолар эса етарли. Булар мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, қурол савдосини назорат қилиш кабилардир.



Келажак ташвишлари

XXI асрда Европада иқлимнинг кескин ўзгариши юз беради. Натижада йиллик ўртача ҳарорат 0,1-0,4 даражага кўтарилади. Олимларнинг Европа Иттифоқи буюртмаси билан тайёрлаган маърузасида ана шундай маълумотлар келтирилган. Унда айтилишича, 2020 йилдан бошлаб Европа қитъасида совуқ қиш камади.

Сўнг эса умуман қиш бўлмади. Европанинг жанубий қисмида ҳамда Ўртаер денгизи ҳавзасида ҳаво ҳарорати ёз ойлари кескин кўтарилади. Бу эса қатор мамлакатлар, жумладан, Туркияга ҳам хорижий сайёҳларнинг келишини камайтиради. Шимолий Европада эса ёгингарчилик кўпайиши боис табиий офатлар тез-тез рўй бериши кутилади. Қитъанинг марказий қисмида эса қурғоқчиликлар рўй бериши мумкин. 2050 йилдан бошлаб музликларнинг эриши туфайли сайёрамиздаги денгизлар сатҳи 68 сантиметрга кўтарилади.

«Курск» операцияси тўхтатилди

«Курск» экипажи жасада тури суз юзасига олиб чиқиш ишлари тугалланадиганга ўхшаш турибди. Бу хабар тўртинчи бўлинмада олиб борилаётган ишлар тўхтатилгандан кейин маълум бўлди. Чунки портлаш натижасида ушбу бўлинманинг ҳар хил техникалар билан тўлиб қолгани боис ғаввослар ҳаёти хавф остида қолмоқда. Операция раҳбарлари вазиятни ўрганиб чиқиб, ғаввосларни суз юзасига чиқаришга қарор қилишди.



Айни пайтда «Регалия» кемасида турган мутахассислар Норвегияга қайтиб кетдилар. Ҳозирча 12 нафар денгизчининг жасади суз юзасига олиб чиқилган. Барчасининг шахси аниқланди. Қутқарув ишларининг амалга оширилишига об-ҳавонинг ноқулай келаётгани ҳам халақит берди. Мутахассисларнинг башорат қилишича, шу кеча-кундузда Баренц денгизига яна қучли довул бошланади.

«Интернет» хабарлари ососида тайёрланди.

Европада қиш бўлмади

ИНТЕРНЕТ: ЖАҲОНГА ОЧИЛГАН ДАРИЧА

Насриддин МУҲАММАДИЕВ

Интернет (халқаро электрон-ахборот тизими) давримизнинг энг муҳим кашфиётларидан бири сифатида ҳаётимизга кириб келди. Узингиз тасаввур қилинг: хонангизда ўтириб, дунё бўйлаб саёҳат қиласиз, ер юзининг тўрт бурчида бўлаётган хабарлардан огоҳ бўласиз, истасангиз, китоб ўқийсиз ёки чет тилларини ўрганасиз, чарчасангиз, видеофильмлар томоша қиласиз, куй ва қўшиқлар тинглайсиз ёки хилма-хил ўйинлар ўйнайсиз. Истасангиз, турли давлатлардаги одамлар билан хат ёзишингиз, турли хабарларни дунёга тарқатишингиз мумкин. Кейинги пайтда интернет орқали савдо-сотих қилиш, конкурслар ўтказиш ҳам урфга айланмоқда. Хуллас, интернетнинг ҳал-ҳудуди ва имкониятлари чексиз.

Бугун жаҳонда 7 ёшдан 70 ёшгача интернет шайдоси. Матбуот хабарларига кўра, АҚШ, Норвегия, Швеция, Канада, Сингапур каби мамлакатларда аҳолининг 50 фоизга яқини уйдаги компьютерлардан интернетга боғланиш имкониятига эга. Финляндия, Дания, Австралия, Янги Зеландия мамлакатларида бу кўрсаткич 30-40 фоизни, Буюк Британия, Голландия, Швейцария, Австрияда 20 фоиздан ортиқроқни ташкил этади.

Дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистон ҳам интернет тизимидан самарали фойдаланишга интиломоқда. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ўпан йили бу ҳақда урта қарор қабул қилди. Улар республикамизнинг жаҳон ахборот тизимига киришини, четта ахборот тарқатиш ва ахборот олишининг энг замонавий воситаси бўлган интернетдан кенг ҳамда самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Жумладан, маълумотлар узатиш миллий тармоғини модернизация қилиш ва уни ривожлантириш дастури қабул қилинди. Бу дастурда 2003 йилгача барча вилоят ва туман марказларини интернетга улаш ва электрон-ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш кўзда

тутулган.

Ўзбекистонда интернет тизимидан фойдаланувчи ташкилотлар ва шахслар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг интернетга марказлашган ҳолда чиқишини таъминлаш мақсадида маълумотлар узатиш миллий тармоғи (ЎзПАК корхонаси) таъсис этилган. Мазкур корхона миллий оператор (провайдер) сифатида янги техника воситаларини жорий этиш, республика ягона ахборот майдони коммуникация асосларини такомиллаштириш ва унинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига қўшилиш имкониятларини кенгайтириш билан шуғулланади. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги мутасаддиларининг таъкидлашича, яқин кунларда ЎзПАКнинг муштарийларини интернетга боғлаш қуввати икки баравар ортади.

Ҳозирги пайтда республикамиздаги кўпгина давлат ва ҳукумат ташкилотлари, жамоат муассасалари, фуқаролар ўзларининг интернет саҳифаларига (сайтларга) эга. Улар ўзларини қизиқтирган ахборотларни олиш билан бирга, мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид хилма-хил хабарларни ўзбек, инглиз ва рус тилларида жаҳонга тарқатмоқдалар. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати (www.gov.uz/arqi), «Жаҳон» ахборот агентлиги (www.jahon.mfa.uz) сайтлари фаолияти диққатга сазовор. Улардаги маълумотлар мунтазам янгиланиб туради. Лекин кўпгина ташкилотларнинг сайтларидаги маълумотлар эскириб қолган, яхши очилмайди. Хорижий мамлакатлар билан ахборот алмашувини йўлга қўйиш учун сайтнинг сифати ҳам, мазмуни ҳам бугунги кун талаблари даражасида бўлиши керак.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг интернет сайтига ҳар куни инглиз ва рус тилларида мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётига оид турли хабарлар, таҳлилий мақолалар ва фотосуратлар

киритилади. Сайтнинг дизайни ўзининг миллийлиги ва оригиналлиги билан ҳам диққатни жалб этади. Айнан ана шу хусусиятларига кўра, мазкур сайт машҳур халқаро Апорт-каталог рўйхатидан ўрин олди.

Матбуот хизматининг интернет адресига ҳар куни кўплаб хатлар келади. Мактублар муаллифлари Ўзбекистон тарихи ва бугуни, жумладан, иқтисодиёт, туризм, маданий ва маърифий ҳаётга оид қўшимча маълумотлар олишни истайдилар. Улар орасида турли касб ва ёшдаги кишилар бор.

«Мен Америка Қўшма Штатларининг Голдборо шаҳридан ёзмақдаман, — дейди ўз мактубида Крис Лавсон. — Мен сизнинг интернетдаги сайтингизни кўрдим. У ўзининг мазмуни ва дизайни билан менда катта таассурот қолдирди. Бизда Ўзбекистон маданият маркази очилса, яхши бўларди. У ерда Ўзбекистон тарихи, тили, дини, миллий таомлари, рақсларини ўрганиш имкониятига эга булар эдик...»

Германиялик Ханс Гюнтер эса шундай деб ёзди: «Матбуот хизмати веб-сайтдаги Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва бугунги кунига оид турли фотосуратлар менинг диққатимни жалб этди.»

Голландиялик Т.Юрген мактубида шундай сатрларни ўқиймиз: «Ўзбекистон ҳақидаги энг муҳим ва долзарб хабарларни мен Матбуот хизмати веб-сайтдан олаётиман. Ўзбекистоннинг иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги йирик инвестицион лойиҳалари билан танишмоқчиман...»

Интернет жаҳонга очилган даричадир. У эрмак эмас, тараққиёт учун восита бўлиши керак. Инсоният ақлдорлигини бу мўъжизаси имкониятларидан фойдаланиш, юртимизни жаҳонга танитиш ва халқаро ахборот маконидан муносиб ўрин олиш, дунёда рўй бераётган воқеалардан ўз вақтида хабардор бўлиш биз учун муҳим вазифадир.

Воқеалар, тафсилотлар, рақамлар

Вазир ва прокурорга ҳайфсан

Қозғоғистон президенти Нурсултон Назарбоев мамлакат Бош прокурори Юрий Хитрин ва ички ишлар вазирни Қашрибек Сулаймоновга қониқарсиз иши учун ҳайфсан эълон қилди. Хабарларга қараганда, Н. Назарбоев ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари иштирокида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш масаласига бағишлаб йилги ўтказган. У бу борада қилмаётган ишларни қониқарсиз, деб баҳолаган.

Яна музокаралар бошланмоқда

Яқин Шарқ минтақасидаги айни вазият ҳамон кескинлашган қолмоқда. Куни кеча ушбу низоларни ҳал қилиш учун Фаластин раҳбари Е.Арофат АҚШга йўлга олган бўлса, эртага Исроил Бош вазир Э.Барак Оқ уйга бориши мўлжалланмоқда. Ҳозирда кўпчилик бўлажак мулоқотларга умид боғлашмоқда. Чунки бир ярим ойдан буён давом этаётган низолар сабаб қурбонлар сони ошиб бормоқда. Бу эса минтақа аҳолисига чинакам ташвиш тугдирмоқда.

Ким кимнинг тарафдори?

Президентлик сайловида республикачи Жорж Бушга асосан эркаклар ва оқ танлилар, Алберт Горга эса аёллар ва қора танлилар овоз берди, деб хабар тарқатди АҚШдаги «Воутер нюз сервис» ахборот хизмати.

Маълум бўлишича, Ж.Бушга овоз берганларнинг аксарияти йилга 75 миң доллардан зиёд, А.Горга овоз берганларнинг кўпчилиги эса йилга 30 миң доллардан зиёд даромад қилаётганлар сирасига мансуб одамлар экан.

экономическое ОЗРЕ

«Экономическое обозрение» журнаliga обуна бўлинг ва сиз қуйидагиларга эга бўласиз:

ОММАВИЙ журналга - тиражи қисқа вақт ичида 5 баробар ўсган;

ТАНИЛГАН журналга - уни нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам ўқишади;

МУНТАЗАМ чоп этиладиган журналга - 2001 йилдан бошлаб у ҳар ой нашрдан чиқади;

ҚИЗИҚАРЛИ журналга - у нафақат раҳбар ва иқтисодчилар, ишбилармон ва тадбиркорлар, аспирант ва олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган, балки кенг китобхоналар оммаси, фаол ва қизиқувчан ўқувчилар учун ҳам мўлжаллангандир;

КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИГАН журналга - Ўзбекистондаги энг рангли ва сифатли нашр.

Журналнинг обуна индекси «Матбуот тарқатиш маркази» ЕАЖ каталогига келтирилган.

шахсий обуна бўлувчилар учун - 957; ташкилот ва корхоналар учун - 958;

Муқобил обуна агентлиги:

*Александр Маркет - тел.: 133-13-04;

*ARZI - тел.: 136-08-41; факс: 136-35-73;

*Мастер Пресс - тел.: 133-40-10; факс: 136-35-73;

Қўшимча маълумотлар учун 67-06-05, 67-93-13, телефонлар орқали, лойдждар (088) 7005

Р.А.Тожиқовага мурожаат қилинг.

Реклама масалалари бўйича 100-48-35; лойдждар: (088) 5456 орқали

Ж. Алимбаевга мурожаат қилинг.

Журналга исталган алоқа бўлимида обуна бўлиш мумкин.



© CER Advertising

Миллат шаъни фидойилари

М.САФАРОВ

Маҳмуд Торобий ва у бошлиқ халқ исёни тўғрисида ўша давр тарихчиси Алоуддин Отамалик Жувайний (1226-1283)нинг «Тарихи жаҳонгушой» — «Жаҳонгирнинг тарихи» (1260) асариди ҳамда қисман ана шу тарихий манбага асосланиб яратилган Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») китобида айрим маълумотлар битиб қолдирилган.

Масалан, Жувайний ва ундан кейин Мирзо Улуғбек китобларида Маҳмуд Торобий шахсияти ва унинг етакчилигида рўй берган халқ қасоскорлиги анча хушламай қаламга олинади. Жумладан, Жувайний ёзади: «Амалдор ва мўътабар зотларнинг катта қисмини у ҳақорат қилди, камситди, айримларини ўлдирди, қолганлари қочишди. Оддий фуқарога ва дайдиларга эса иззат-ҳурмат кўрсатди». Жувайний ўз замонасининг расмий тарихчиси эди. У, табиийки, Маҳмуд Торобий бошлиқ халқ кўзғолонини ҳам мамнуният билан қабул қила олмаган. Лекин, шунга қарамадан, Жувайний ва Мирзо Улуғбек қолдирган маълумотлар икки муҳим ҳақиқатни ойдинлаштиришга имкон беради. Биринчидан, Маҳмуд Торобий бошлиқ кўзғолон оддий меҳнаткаш халқ ва Торобийнинг ўзи каби ҳунармандлар кўзғолони бўлган. Иккинчидан, бу кўзғолон нафақат мўғул босқинчилари, айни пайтда, бу пайтга келиб мўғуллар билан тил топишган маҳаллий амалдорларга ҳам қарши исён эди.

Совет даври тарихчилари эса масаланинг айнан шу томонига асосий диққат-эътиборни қаратган, унга синфий тус берган ва шу тариқа, XIII асрда Туронзаминда мавжуд ўзига хос ижтимоий-тарихий шароитни анча бузиб кўрсатишган. Маҳмуд Торобий шахсиятини, ҳатто мўғуллар ноиб Маҳмуд Яловоч шахсиятини ҳам бир ёқлама талқин этишган.

Бу тўғрида йўл-йўлакай яна гаплашамиз.

Воқеа, аслида, қандай содир бўлган? Маҳмуд Торобий, совет даври тарихчилари ёзганидай, майдонга оддий ҳунарманд, шунчаки бир қасоскор сифатида тушмаган. Балки у ўзини рўҳий-ботиний кучга эга бир шайх сифатида халққа кўрсатади. Гарчи унинг бу хатти-ҳаракатини Жувайний ва Мирзо Улуғбек «макру ҳийла» деб баҳола-са-да, бизнингча, Маҳмуд Торобийнинг ўзга чораси йўқ эди. Шу ўринда Муқаннани беихтиёр эслашга тўғри келади. Муқанна ҳам маҳаллий халқни араб босқинчиларига қарши кўтариш учун ўзини камиди шайх, янада аниқроғи, пайгамбар даражасида кўрсатишга мажбур бўлган эди. Чунки халқни араб босқинчилигига қарши жасоратли курашчига айлантириш учун оддий даъватнинг ўзи кучсизлик қилар, балки унинг рўҳиятига, қалбига қудратли таъсир кўрсата оладиган

омилни излаб топиш зарур эди. Муқанна шундай қилди. Ўзини пайгамбар деб аташга журъат этди ва ҳатто ўзининг оддий шахсиятига сирли, илоҳий тус бериш учун юзига парда тутди... Оқибатини биз тарихий маълумотлардан яхши биламиз. Унга халқ эргашди ва араб босқинчиларига қарши катта умум-халқ ҳаракати вужудга келди. Гарчи Муқаннанинг ўзини тутишида фавқуллодлик бўлса-да, лекин унинг мақсади ва тарихий фаолиятида олийжаноб моҳият-мазмун бор эди. Яъни у юртни фотиҳлардан халос этмоқчи эди.

Маҳмуд Торобий ҳам ана шунга ўхшаш муҳитнинг фарзанди эди. Халқни мўғул фотиҳлари ва уларнинг маҳаллий гумашталарига қар-

рипул кўприги атрофида уни бир ёқли қилишмоқчи эди. Торобий бу илтифотга кўниб, Бухоро сари йўлга чиқди. Чиқди-ю, фаросати билан уларнинг шум ниятини пайқади ва доруғага деди:

— Ботил ниятингни димоғингдан чиқариб ташла, акс ҳолда, орамиздаги бир одам сенинг кўзларингни ўйиб олиш пайдалидир.

Мирзо Улуғбек ёзганларидай, бу гап уларга қаттиқ таъсир кўрсатди. Сабаби — доруға ва амирлар хотирларидаги нокас ниятни бировга айтишмаган эди. Аммо Торобий пайқаб турибди. Демак, у башораттўй! Улар қўрқиб кетиб, ниятларидан қайтишди. Шайх Маҳмуд шу тариқа, Бухорога эсон-омон етиб келиб, шаҳар ҳовлисига ту-

Малик Санжар саройида Торобий номига хутба ўқилди. Мулкдорлар ва мўғул амалдорларидан қочишга улгурмаганлари қўлга олиниб, қатл этилди. Ҳовлилари таланди ва бор бисотлари кўзғолончилар ўртасида тақсимланди. Бироқ кўзғолон Бухородан ташқарига тарқалмади.

Карманана эса Торобий бошлиқ исёнчиларга қарши куч тўпланди. Торобий ҳам курашга шайланди. Бухоро ёнидаги омонсиз жангда Торобийга дайди ўқ тегиб ҳалок бўлди. Бироқ буни кўзғолончилар сезмади. Мирзо Улуғбекнинг ёзишича, бу лаҳзаларда шамол-тўзон кўтарилиб, одамлар бир-бирини танимай қолган. Мўғул лашкарлари эса буни Шайхнинг кароматига йўйиб, жангни тўхтатиб, чекинган.



Яқин ўтмишдаги совет тарихчилари Маҳмуд Торобийни деярли даҳрий ва шаққок бир кимса сифатида кўрсатган эдилар. Кўрликки, Торобий ундай шахс эмас. У ҳатто кўзғолончилар томонидан Бухоро эгалланган, садрлар бошлиғи Бурхонидин Маҳмудга шаҳарнинг бошқарув ҳокимияти жиловини берди. Иккинчи бир йирик дин намоянаси Шамсиддин Маҳбубийни садрлар бошлиғи этиб тайинлади. Қолаверса, Шамсиддин Маҳбубий халқ кўзғолонини қўллаб-қувватлаб чиқиб, унинг яловбардорларидан бирига айланди ва Маҳмуд Торобий билан бирга у ҳам ёв ўқидан шаҳид бўлди.

Тўғри, Торобий Бухоро аёнларининг айримларини қатл этди, сазойи қилдирди, мол-мулкларини мусодара эттирди. Чунки улар мўғуллар билан ҳамтововққа айланган ва халқни талаша уларга шерик эди. Бундайларни кечириб бўлмасди.

Маҳмуд Торобий кўзғолони ўз амалий самараларини ҳам берди. Орадан бир мuddат ўтгач, янги қоон Мангухон фармон чиқариб, Мовароуннаҳрдаги ҳаётни тартибга солиш чора-тадбирларини белгиледи. Масалан, хонлар ва шаҳзодалар томонидан ўйламай тарқатилган кўпсонли ёрликлар ва пайзаларни тегишли амалдорлар қўлидан қайтариб олишни буюрди. Элчилар, чопарлар ва савдогарлар томонидан ҳула-беҳудига аҳоли от-уловларини тортиб олишни маън этди. Фармонда ўлпон ва солиқларни тартибга солиш тўғрисида ҳам кўрсатмалар берилган. Аён бўлаётгани, халқ норозилиги мўғуллар ва маҳаллий амалдорларни аҳоли аҳволига нисбатан тўғри қарашга мажбур этди.

Торобий халқ манфаати йўлида ҳеч бир қийинчиликдан ва ҳатто ўз жонини фидо этишдан қўрқмади. Унинг жасорати ҳам халқ оммасини, ҳам босқинчиларини ҳушёр тортирди. У бошлаган кўзғолоннинг ютуқ ва камчиликлари эса мўғул босқинчиларига қарши кейинги курашларда ўзига хос сабоққа айланди.

Маҳмуд ТОРОБИЙ

1238 йил (ҳижрий 630 йил)да Бухородан уч фарсах масофада (ҳозирги Бухоро вилоятининг Жондор тумани ҳудудида) жойлашган Тороб қишлоғида чит тўқувчи ҳунарманд Маҳмуд Торобий раҳнамолигида мўғул босқинчилигига қарши халқ кўзғолони рўй берди ва бутун Бухоро вилоятига ёйилди.

ши беомон курашга кўтариш учун фавқуллод таъсир йўллари излади. Оқибатда ўзини шайх, шайх бўлганда ҳам, кучли ботиний-илоҳий қудрат соҳиби бўлган шайх қилиб кўрсатишга зарурият сезган.

Маҳмуд Торобий атрофида халқ бирлашувининг бош сабаби кент ижтимоий ночорлик эди. Мўғуллар, маҳаллий амалдорлар бундан жиддий ҳадиқсирлади. Жувайний ўз китобида, Бухоро атрофидаги деҳқонлар ва ҳунармандлар мавжуд тартибларга зид равишда йиғинлар уюштириб, зулм остидаги ҳаётни муҳокама қилишар эди, деб ёзади. Шақ-шубҳасиз, бу муҳокамалар раҳнамоси Маҳмуд Торобий эди.

Амалдорлар Торобий тўғрисида ноиб Маҳмуд Яловичга хабар етказиш билан чекланиб қолмасдан, бевосита ўзлари шайх сиймосидаги Торобийни йўқотиш чораларини излай бошладилар. Масалан, уларнинг бир гуруҳи Маҳмуд Торобийга ихлос ва эътиқод қўйганлар суратига кириб, гўё уни зиёрат қилиш муддаосида ҳузурга келадилар ҳамда уни Бухорога тақлиф этишди.

— Зеро, шайх қадамларининг баракоти шаҳарга ҳам етса, у ердаги нотавон, ожиз халқ ҳам шайх қадамлари саодатидан баҳраманд бўлса, — деб илтижо қилади улар. Аслида эса Бухоро йўлидаги Са-

шадди. Халойиқ унинг келганини эшитиб, ҳовлига ёпирилади. Нафақат ҳовли, балки бутун маҳалла издиҳомга айланади.

Аммо доруға ва амирлар фитна фикридан қайтмаган эдилар. Улар Торобийни барибир йўқотмоқчи, лекин издиҳом орасида бунинг ҳеч иложини қилишолмас эди. Торобий бундан хабар топиб, ёлғиз ўзи бошқа эшикдан чиқиб, эшик олдидаги отга миниб, шаҳар ташқарисига йўл олади. Шаҳар ёнидаги Абу Хафс тепалигига келиб, халойиқни кутиб туради. Халқ, шайх парвоз қилиб уйдан чиқиб кетган, деб уни излай бошлади ва Абу Хафс тепалигида турганлигидан хабар топиб, ўша томонга отилди.

Шомга яқин у тепалик атрофида йиғилган тумонат халойиққа шундай деб мурожаат қилди: — Эй, ҳақ толиблари, қачонгача кутамиз ва изтироб чекамиз? Рўйи заминни (Тангридан) қўрқмайдиғанлардан пок қилмоқ лозим. Кимнинг қандай қуролга қурби етса, қиличми, ўқ-ёйми, калтакми — қўлга олсин. Тангридан қўрқмайдиғанларнинг биронтасини ҳам қўймастик керак...

Шу гапларни пойлаб турган халқ қўлган тушган нарса билан қуролланиб, Торобий бошчилигида шаҳарга кирди. Доруға ва амирлар Кармананага қочиш кетди. Жума куни

Бу курашда, шу тариқа, халқ ғалаба қозонди. Кармананага қараб қочган мўғулларни кўзғолончилар таъқиб этишга тушган. Ун минглаб мўғуллар қирилган...

Жангдан кейин Торобийни омон топмаган халойиқ: «Шайхимиз кўздан ғойиб бўлишни истабдилар. Ўрнига лашкарбоши зарур» деб, Торобийнинг укаси Муҳаммад Алини ўзларига сардор этиб белгилдилар. Энди халқ кўзғолони бутун вилоятга ёйилган эди.

Мўғулларнинг мағлубияти ҳақидаги хабар ноиб Маҳмуд Яловочга етиб борди. У эса бор гапни Бешбалиғ шаҳрига, Уктой қоон қўл остидаги Қорачор нўёнга етказди. Қорачор Эллаўз нўён ва Чаған қўрчи бошлиқ ҳисобсиз лашкарни Бухорога сафарбар этди.

Бу жангда кўзғолончилар енгилди. Сабаби шуки, уларга қарши мўғулларнинг катта ҳарбий кучи ташланган эди. Бу мукаммал қуролланган, уруш ҳадисини олган улкан армия эди. Халқ эса бундай қуролга ва ҳарбий тайёргарликка эга эмасди. Бунинг устига, Муҳаммад Алида ҳарбий талбиркорлик ва йўлбошчилик истеъдоди йўқ эди. У курашда ҳалок бўлиб, исёнчи халойиқ умуман бошсиз қолиб, парокандаликка учради. Бу жангда ҳар икки томондан 21 минг одам нобуд бўлди.



Даврон Аҳмад олган суратлар.

● Соғлом авлод йили

«Саховат» оғушидаги болалар

Бекобод шаҳрида «Саховат» номидаги ногирон болалар боғча-мактаби очилди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган 11-сонли болалар боғчаси қайта таъмирланиб, ногирон болаларнинг ўқишлари ҳамда даволанишлари учун алоҳида мактабга айлантирилди.

Куни кеча «Саховат»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мактабга 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 60 нафар бола қабул қилинди.

— Биз асосан болаларни даволаймиз, ўқитамиз, шу билан бирга хуна ўргатамиз, — дейди хорижий ҳомий — Жанубий Корея «Киалечик» халқаро хайрия жамғармаси бош вакили Юн Те Ён.

Дарҳақиқат, боғча-мактабда-шинам ва ёруғ ўқув хоналари, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган муолажа хоналари мавжуд.

Маросимда Бекобод шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Қизил яримой» жамияти вакиллари қатнашиб, «Саховат»га ўзларининг хайрия совғаларини тақдим этишди.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
«Халқ сўзи» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: очилиш маросими (ўнгда); боғча-мактабда машгулотлар бошланди.



Навоий шаҳрида янги турдаги бундай хизматнинг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бундай ҳолис, беминнат фаолиятдан кўпчилик миннатдор. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Раҳматилла Абдуллаев билан ушбу хизмат тури ва аҳоли хавфсизлигини муҳофаза қилиш доирасидаги ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Раҳматилла Исмоилович, шаҳарда «Қутқарув хизмати» тузилишини кўпчилик қизиқиш билан кутиб олди. Аввало, ана шу янгилик ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бошқармаимиз зиммасига гоят юксак, ўта масъулиятли вазифа юклатилган. Биз аҳоли хавфсизлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ барча ишларга жавобгаримиз. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари бор. Айниқса, йирик саноат шаҳри бўлган Навоийда тезкор-қутқарув гуруҳини тузиш ва профилактик тадбирлар олиб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу мақсадда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, «Қутқарув хизмати»ни ташкил этиш низомини ишлаб чиқдик.

Гуруҳга турли соҳа вакиллари билан иборат 37 киши танлов асосида қабул қилинди. Улар жисмонан бақувват, у ёки бу соҳа бўйича махсус малакага эга. Гуруҳ махсус тезкор транспорт воситалари, зарур мосламалар, қурилмалар, алоқа воситалари билан таъминланган. Иш тартиби 24 соат бўлиб, кечаю кундуз навбатчилик ташкил этилди. «05» телефони «Қутқарув хизмати»га айлантирилди.

Фаолиятимиз яқиндагина бошланганига қарамай, кўплаб фуқароларнинг ҳолатини чиқардик. Бир мисол. Яқинда шаҳримизнинг Ибн Сино кўчасида истиқомат қилувчи О.Демянтева деган аёлдан миннатдорчилик мактуби олдик. Маълум бўлишича, уй бекаси ёниб турган газ плитаси устига қиздириш учун ёғ қуйиб турганда, эшик кўнгириги жиринглади. Ташқарига чиққач, темир эшик бекилиб қолади.

АЛЛО,



«ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ»МИ?

Уринишлар бефойда кетади. Шунда «05» қутқарув хизмати ёрдамга чақирилади.

Улугбек Муродов бошчилигидаги тезкор гуруҳ гоят қисқа фурсатда воқеа содир бўлган жойга етиб келиб, ишга киришади. Улар тўртинчи қаватдаги уй эшигини бузмасдан, махсус асбоблар ёрдамида бешинчи қаватдан тушиб, юз бериши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олишади. Оила иқтисодий зарар кўрмайди.

Маълумки, вилоятимиз ҳудудида Айдарқул, Шўркўл, Тўдақул каби йирик сув ҳавзалари, шаҳарларда эса кўллар мавжуд. Бу жойларда ҳам «Қутқарув хизма-

ти» постлари ҳушёр туришибди. Ёз мавсуми давомида 20 дан ортиқ кишининг ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшдик.

— Вилоятда алоҳида эътиборга молик иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари кўп. Ана шу масканларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Вилоятимиз ҳудуди 110,8 минг квадрат километрни ташкил этади. 780 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида улкан ишлаб чиқариш корхоналари бисёр. Кон-метал-

лургия комбинати, «Навоийазот», ГРЭС, «Қизилқумцемент» каби корхоналар шулар жумласидандир. Бу корхоналарнинг ҳар бирида фуқаро муҳофазаси бўлимлари ташкил этилган. Уларга содир этилиши мумкин бўлган ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш, келиб чиқиш сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва бошқа зарур масалалар бўйича тавсиялар бериб

борамиз. Бу ўз самарасини бермоқда. Жумладан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида бизнинг тавсиямизга биноан, 60 миллион сўмлик линия қайта қурилди, асосий цехлардан бирининг тўхтаб қолишига йўл қўйилмади. ГРЭСда эскирган асбоб-ускуналар алмаштирилди. «Қизилқумцемент» қўшма корхонасида кенг қўламли ишлар бажарилди.

**«Халқ сўзи» муҳбири
Абдуваҳоб ПИРМАТОВ
суҳбатлашди.**

чилар унга тегишли бўлган 62 турдаги 22145 сўмлик дори-дармонни давлат ҳисобига ўтказишга мажбур бўлишди.

Яна 5 нафар фуқаро эса ўзларини таништирмасдан, дори-дармонларини ташлаб, бозордан ғойиб бўлишди. Уларга тегишли 67067 сўмлик дори-дармонлар мусодара этилди.

сида»ги Низомни бузганлиги ҳақида баённома тузилди.

Ҳеч қерда ишламайдиган нарпайлик Мунаввар Бердиева ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг те-

лаганлар»дан чиқиб қолди. Ҳеч қерда ишламайдиган, сохта тadbиркор Алишердан 71 турдаги 13481,5 сўмлик дори-дармон олиб қўйилди.

28206 сўмлик 85 турдаги дори-дармонни сотишга чоғланган Софиянинг эса ажойиб касби бор. У — туман халқ таълими бўлимининг мактаб-лицейи ўқитувчиси. Ҳайрон қоласан

БОЗОРДАГИ ДОРИ

сотувчига дармон, олувчига армон

гишли қарорларига зид равишда бозорда савдо қилаётгани солиқчилар нигоҳидан четда қолмади. «Ишбилармон»нинг «дорихонаси»даги 64 турдаги дори-дармонлардан бирортасининг ҳам сифат-сертификати йўқ эди. Бу тadbиркор на фармацевтик маълумотга эга, на лицензияга. Шу боис жами 53170 сўмлик дори-дармон давлат фойдасига ундирилди.

Оқтошлик Алишер Холмуродов, «Ўзбекистон» жамоа ҳужалигида яшовчи София Саъдиновалар ҳам «Дехқонобод» бозорини «обод» қилишга «бел боғ-

киши, ёш авлод тарбияси йўлдаги масъул бир шахсни бозорга чиқиб, дорифурушлик қилишга нима мажбур этди экан? Тиркичиликни рўқач қилишдан аввал виждонни ишга солинг: одамларни библи-билмай эскирган дорилар билан захарлаш эвазига тиркичилик қилиш инсофданми?

Рамазон Қурбонов ҳам фармацевтикадан жуда йироқ, У — олий маълумотли агроном. Аммо ҳеч қерда ишламайди. Рамазон «Мирбозор» дехқон бозорига ҳеч қанақа ҳужжатсиз дори сотаётган пайтда қўлга тушди. Солиқ-

Текшириш ўтказилган куни солиқчилар иккала бозордаги сохта дорифурушлардан жами 308589 минг сўмлик дори-дармонни давлат ҳисобига ўтказишди.

Шу куни ноқонуний молларнинг бозорларда сотилишига йўл қўйилмади. Бу яхши. Лекин солиқчилар ҳар куни бозорда текшириш ўтказишмайди-да. Бунинг сохта тadbиркорлар яхши билишади. Шу боис яна ўзлари ўрнашиб олган жойларга қайтишлари мумкин. Хўш, бундай ҳолларда бозорлар раҳбарлари, ички ишлар ходимлари ва бошқа тегишли ташкилотлар эътиборларини қерга қаратишади? Масаланинг нозик томони шу ерда эмасми?

Кўчқордек ўғил берсин бешигингизга

Самарқанд туманидаги Даштакиболо қишлоқ туғруқхонасида ўқитувчи Наргиза Муродова оз эмас, кўп эмас, беш килограммлик чақалоқнинг онаси бўлди.

Соғлом авлод йилнинг «пахлавон» чақалоғи ўзини яхши ҳис қиламоқда. Онанинг саломатлиги тиббий ходимлар томонидан назорат қилинаёпти.

Туғруқхона шифокорларининг сўзларига қараганда, бундай йирик вазндаги чақалоқлар туғрилиши республикада 10 минг нафар боладан биттасига туғри келиши мумкин.

Баъзан тўрт ярим килограммлик чақалоқлар учраб туради. Аммо беш килолик... Нима ҳам дер эдик, мана бунинг чақалоқ деса бўлади!

«Туркистон-пресс».

Акс садо

Жуда маъкул фикр

Ф. ЎРМОНОВ,
Бўз тумани почта шохобчаси директори

«Халқ сўзи»нинг шу йил 28 октябр сонидagi «Велосипедда ҳажга бориш мумкинми?» сарлавҳали мақола-ни ўқиб, жуда-жуда қувондим.

Велосипедни кўчада, далада... қерда бўлса ҳам миниб, ҳар қандай ишни бажариш мумкин. Ҳатто зарур бўлганда велосипед ўрнини от ҳам босолмайди. Нега десангиз, шаҳарда, туман марказларида от ёки эшак миниб юриш анча эриш туюлади. Аммо велосипедни қўзланган жойгача миниб бориб, суяб қўйсангиз борми — пайҳонгарчилик ҳам, ифлосгарчилик ҳам бўлмайди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда велосипед ишлаб чиқаришни кенг жорий қилиш зарур, деб ўйлайман. Айниқса, биз, почта ходимлари учун велосипедда юриб ишлаш мароқли ҳамда қулай. Ахир, ҳар куни қанчадан-қанча хонадонга бориб, нафақа, газета-журнал, хат-хабар тарқатиш керак. Бунинг учун велосипед айни муддаодир.



Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири

Кейинги пайтларда рухсат берилмаган жойларда, айниқса, бозорларда дори-дармон савдоси билан шуғулланувчилар кўпайиб кетди. Бундай «ишбилармонлар»нинг тиббиётга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги эса янада ажабланарли.

Яқинда Самарқанд вилояти ва Нарпай тумани давлат солиқ инспекцияси ходимларининг «Мирбозор» дехқон-буюм бозори ва «Дехқонобод» дехқон бозорига ўтказган текширувлари ҳам бу фикрни яққол исботлади. Текшириш давомида фармацевтик маълумотга эга бўлмаган бир эмас, ўн нафар «тadbиркор»нинг лицензиясиз, сифат-сертификати бўлмаган дори-дармонлар сотаётгани аниқланди. Оқтош шаҳридаги «Дехқонобод» дехқон бозорига бемалол ўрнашиб олган Истам Камоловнинг қўлбола «дорихона»сидан 51 турдаги 25534 сўмлик ҳужжатсиз дори-дармон далилий ашё сифатида олинди, «Тadbиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолияти туғри-

Мамажон
МУХИДДИНОВ



Карпов, Каспаров, Крамник.

Кейингиси КИМ?

Бокулик Гарри Вайнштейн деган бола оғизга тушди. Уни Москвада фаолият кўрсата бошлаган Ботвинник мактабига зудликда жалб қилдилар. Мутахассислар бу ҳаракати билан янглишмаган эканлар, ўшанда. Зеро, Гаррининг қадами тобора илдамлашар, йўлдаги тўсиқларни биринкетин маҳв этарди. Қизиги шундаки, у 20 ёшидаёқ тож талабгорларидан бирига айланди. 22 ёшида тождорликка эришган Каспаров (Вайнштейн) бу борада ўзига хос рекорд ҳам қўйди.


1985-1990 йилларда Анатолий Карповдан устун келган ёш тождор қаторасига 5 марта жаҳон чемпиони бўлди. Кейинчалик у Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) билан чиқиша олмай, профессионал шахматчилар ассоциациясини тузди. Ва улар ўртасида жаҳон биринчиликлари ни ўтказа бошлади. Бу ерда ҳам унга тенг келадиганлар топилмади. Шунда кўпчилик ҳали-вери Каспаровга бас келадиган шахматчи топилмас керак, деб, хулоса қилганди. Ҳа, халқаро турнирларда нуқул бош совринни олавергач, мухлис мутахассисларнинг Гаррига нисбатан ишончи ҳаддан зиёд ошган эди. Зотан, у оддий спорт натижаларининг эҳсоси эмас, балки 64 каттак устида сеҳрли ўйин намоиши этар, теша тегмаган

ижодий намуналар кўрсатиб, барчани маҳлиё қиларди.

Ниҳоят, «Жаҳон холи эмас ақли расолардин» деган гап ҳақ эканлиги дунё шахмат тожи учун бўлган сўнгги баҳсда яна бир карра тадиқланди. Каспаров-Крамник матчини ташкил этиш, айниқса, мукофот фондини етарли даражада тўплаш осон бўлмади. Бир неча йил муқаддам ўтказилган Каспаров-Шорт ўйинига ҳомийлик қилган англиялик мутасаддилар бу гап ҳам ёрдам қўлини чўздилар.

10 октябрда бошланган матч Владимир Крамникнинг рейтинг даражаси бир неча йилдан бери кўпинча иккинчи-учинчи ўрин бўлиб келгани бежиз эмаслигини кўрсата бошлади. Жами 16 партия ўйналиши низомда кўрсатилди, Крамник 50 фоиздан ортиқроқ — камида 8,5 очко олган тақдирдагина тож эгаси бўлиши белгиланган эди. Бу вазифани у 15 партиядоёқ бажаришга улгурди. Ва 8,5 : 6,5 ҳисобида ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Шунингдек, 2 миллион АҚШ долларилик мукофот жамғармасининг учдан икки қисмини ҳам қўлга киритди. Қолган мукофот Каспаровга тегди. Айтишларича, 15 йил

чемпионлик даврини сурган Гарри Каспаров реванш матчида қизгин тайёргарлик кўрар эмиш. В. Крамникнинг ғалабаси балки чемпионликнинг икки йўли — ФИДЕ йўли билан ва профессионаллар ўртасидаги чемпионликка чек қўйса ажаб эмас. Мутахассислар ҳозир шу масалани ечишга киришдилар. Зеро, юз йилдан ортиқ вақт мобайнида битта чемпион бўлиб келган эди. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши маъқул, назаримизда.



Ҳаракат қилиб кўринг-чи, икки юришда қора шохни мот қила оласизми?

Собиқ сардорлар суҳбатидан

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири



Г. ДЕНИСОВ:

— Мен ҳам сизнинг орқангиздан кувавериб, қирққа чиқибман. Сизни таажжубга солаётган савол мени ҳам қийнапти. Балки бунинг жавоби ни Фарҳод айтар?

Ф. МАГАМЕДОВ:

— Айб ўзимизда. Жамоа сардориман, деб юравермасдан, вақтида муносиб ўринбосарлар тайёрлашимиз керак эди.

МУХБИР ИЗОҲИ: Ишқилиб, юқоридаги фахрийлардан сардорликни қабул қилиб олган Миржалол Қосимов ҳам эртага шундай афсусланмасин-да. Ўзбек футболда янги-янги якубиклар, денисовлар, магамедовлар чиқмаган экан, жилла қурса, қосимовлар етишиб чиқсин.



Д. МИХАЙЛОВ олган сурат.

Юлдузлар ва шов-шувлар

Лобановский ўрнини ким эгаллайди?



Шарқий Европа давлатларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳозир айнан мана шу саволга жавоб излашмоқда. Очиғи, Валерий Васильевич ҳали ўз лавозимида ишляпти. Лекин «Динамо» (Киев)нинг чемпионлар лигасидаги муваффақиятсиз иштироки туфайли хорижлик спорт журналистлари Лобановский бош мурабийликдан четлатилади, деб тахмин қилишмоқда. Бу лавозимга кўрсатилаётган янги номзодлар ҳам бисёр. Улар орасида жамоанинг собиқ ўйинчилари — Олег Блохин, Алексей Михайличенко, Павел Яковенко, Михаил Фоменко, Йожеф Саболар бор.

Марадона, Марадона...

Аргентина футбол федерацияси саксонинчи йиллар ҳамда тўқсонинчи йиллар бошидаги таниқли футбол юлдузи Диего Марадонани терма жамоага қайтариш масаласини кўриб чиқмоқда. Албатта, эндиликда уни мурабий сифатида таклиф қилишяпти. Ҳозирча Кубада даволанаётган Диегонинг ўзи бу таклифга аниқ жавоб бергани йўқ. Марадона бош мурабий бўлади-ми, деган саволга мамлакат футбол мутасаддилари йўқ, деб жавоб беришган. Уларнинг фикрича, Марадонанинг иккинчи мурабий сифатидаги фаолиятининг ўзи ҳам терма жамоа аъзоларининг юқори суръатда ўйин кўрсатишига туртки бўлиши тайин.



Роналдо яна ҳужумда

Пелени сўроқ қилишмоқчи



Бразилия футболу теварагида айни кунда катта шов-шувлар кўтарилмоқда. Сабаби — мамлакат сенатининг тергов ишлари бўйича махсус комиссияси футболдаги олди-берди бизнесига алоқадор баъзи кишиларнинг банклардаги молиявий қўйилмалари сирини очишини маълум қилди. Комиссиянинг фикрича, Бразилия футбол конфедерацияси (БФК) ҳамда «Найк» фирмаси амалга оширган молиявий операцияларда ноқонунийликлар мавжуд. Шу масала бўйича сенат комиссияси йил охиригача ФИФАнинг собиқ президенти Жоао Авелланж, футбол роляси Пеле, БКФнинг президенти Рекардо Тейшер ва бошқаларни сўроқ қилишни режалаштирган. Қизиги шундаки, сўроқ берувчилар рўйхатидан айни кунда тўп сураётган футбол юлдузи Ромарио ҳам ўрин олган.

Контракт мудлатим тугади, энди «Учар»да ўйнамай.



Хўш, дунёдаги кучли, бакуват давлатлар нима ҳисобига бойиб, ривожланыпти? Иқтисод ҳисобига, дейиши мумкин кўпчилик. Менимча, бу бўлмаган гап. Масалан, бизнинг кўчаларда ётган ахлатларнинг асосий қисми ўша хориждан келган моллар, маҳсулотлар ўралган нарсалар. Яъни сақич, конфект, печенье, чой ўралган жилдлар, қутилар, пиво, сув, шарбат қўйилган банкалар, пластмасса, шиша идишлар ва ҳоказо. Шунинг нимаси иқтисод, нимаси тежам? Бир хўплами ачиган пиво, қолгани — кўпикни алюмин банкага қўйишми? Ташиб келишини ўйла-сангиз, ушовидан тушови қимматга тушади. Пивосини ичиб, банкасини ташлаб юборасиз. «Фанта»га ўхшаш ичимлик идишлари-чи? Стокан, дастурхон, сочиклари ҳам бир мар-талиқ экан.

Мана, бизда бўшаган ўша идишлар неча йилдан бери катта муваффақият билан ишлатилиб келинапти. Кўп ошхоналар столларида пиво банкасининг ярми қирқиб ташланиб, чети буқиб қўйилган қулдонлар, бир марталик стаканлар арак, вино қўйиб сотувчиларга роса қўл келмоқда. «Фанта»дан бўшаган идишлар, айниқса, эъвозда. Улар сут ва пахта ёғи сотувчиларнинг жонига жуда оро кирди-да. Ёз жазирамасида сафарга чиққанлар ҳам бу идишларни худди чақалоқлардай «баклашка» деб авайлаб, асрашини-ку айтмаса ҳам бўлади. Автобусда бир шаҳардан иккинчисига етиб боргунингизча «Баклашка қани?», «Баклашкани беривор» деган сўзларни минг марта эшитасиз.

Ана, ўзингиз ўйланг, тежамкор деб кимни айтиш керак? Бизними, уларними? Ёки «тампекс» деган нарсани ишлаб чиқариш жуда зарурми-ди? Ўша бир марталик дастурхон ташлаб юборилмаса, юзта «тампекс»нинг ўрнини босади. Уни қарангки, мушуклар учун алоҳида тансиқ овқат эмиш — «Вискис». Итларга

алоҳида — оти ёддан чикди. Уйдаги қолган-қутган овқатларни нима ейди? Бу исрофгарчилик эмасми?

Ўша тараққий этган мамлакатлардаги машиналар «қабристонини» қаранг. Ичида адашиб кетасиз. Бизда-чи, бирорта ташландиқ машинага кўзингиз тушганми? Йўқ. Жуда эскиб

тоғоралар яримроқ ёки ичидаги овқати мундайроқ бўлса, тамом, жанжал бошланди, деяверинг.

Биз фақат никоҳ тўйини айтдик, холос. Ҳали суннат тўйи, тугилган кун, худойига ўхшаган маъракалар ҳам бор.

Бунақа ваҳимани дунёнинг бирор мамлақати тугул, бирор-та қабиласида учратиш мумкинми? Асло! Масалан, Францияда тўйни куёв-келинднинг ўн-ўн бешта яқин ошна-оғайниси билангина ўтказаркан. Бошқа кўшниларида ҳам шунақа.

Ёки уларда ишга битта футболка, калта шим ва шиппак кийиб кетаверадилар. Чунки ишлашлари керак. Бизда-чи, тўтидай ясан-тусан билан ишхона томон юриш қилинади. Ким ишга, ким ўқишга, ким тўйга кетаётганини аниқлаб бўлмасиз. Шундай тахи бузилмаган хориж кийимлари ва бриллиант, тилла тақинчоқларда қандай ишлаб бўлади, дерсиз? Ишлашмайди-да. Бой одам ишлаб нима қилади?

Баъзи фарбликларни антиқа кийиниши бор. Бир сенатор сенат мажлисига почаси тиззадан баланд шим — шорт кийиб борибди. Эшитган чиқарсиз — кейин сенат йиғилишига шортда келиш мумкинми-йўқми, деб роса муҳокама қилишди. Ўша сенатор бошқа тузукроқ шими бўлганда шунчаликка етармиди? Телевизорда битта фарблик ва-зирни ҳам кўрсатишди. Давлат хизматидан келиб, ўзининг шахсий ёнилғи қўйиш станциясидан бензин ташийдиган машинаси-ни миниб, бензинга кетяпти.

Энди Фарбни Фарб десангиз, Шарқда ҳам ундан баттар. Мана, Японияни олайлик. Миллионлаб машина чиқариб, ўзлари велосипедда юрибди. Шўрлик хитойлар-чи, энг манаман деган амалдори ҳам велосипед ёки мотоцикл минади.

Э, гапираверсак, гап кўп, кўмир оз. Шунинг учун қисқа қилиб айтмоқчиманки, энг бойи ҳам, тежамкори ҳам биз, ҳа!



кетса ҳам минамиз машинани.

Хе, булар камбағалликдан, дейиши мумкин кимдир. Бекорларни айтибди. Келиб бир тўйларимизни кўрсин ўша одам. 5-10 та бир хил тусдаги «Лимузин» ва «Мерседес»лар бағ-буғ кўтариб ЗАГСга кетяпти. Машиналардан биттасида зарбоф тўн ва жиғали салла ўраган куётўра, маликалардай қимматбаҳо либосга бурканган келинпошшо. Икковлари мағ-рур, бу нарсалар бор-йўғи ижарага олинганини ўйлашмайди. Учта видеочи уч томондан шигиллатиб тасвирга туширяпти. ЗАГСдан кейин юз-икки юз ки-шилик дастурхон. Сўнгра даҳ-шатли тўй! Кўша-кўша артистлар гуруҳининг айтилганлари айтилмай борганлари билан тортишгану талашган. Ундан сўнг чарлар, яъни қуда чақ-риқ. Келин томон куёв томонга 20-30 тоғорани егуликка тўлдир-иб олиб бориши керак. Агар

ХАНДАМАР

Тўй пайтида куёв безовта — унинг янги туф-лиси сиқяпти. У тезроқ тўйнинг тугашини кутял-ти. Шунда келин деди:

— Тезроқ тўй тугаса-ю, икковимиз ёлғиз қол-сак...

— Нега, жоним? Сизнинг ҳам туфлингиз қисаяптими?



Туяқушлар эъвозда

Жанубий Африка Республикасида туяқушлар мамлакатга катта даромад келтирувчи асосий манба-лардан бири ҳисобланади. Ҳақиқатан улар ҳар йили мамла-кат хазинасига 100 миллиард ранд, яъни 33 миллион доллар фойда келтиради. Шунинг учун ҳам бу ўлкада туяқушчилик фермалари жуда кўп.

Туяқушчилик мамлакат хазина-сига даромад келтиришда олтин ювиш саноатидан кейинги ўринда туради. Ҳозир Исроил ва Зимбаб-ведаги сингари ЖАРда ҳам мамла-катдан туяқуш ва унинг тухумини олиб чиқиб кетиш тақиқланган.



Ёқиб қолган янгилик


Амриқонинг Пенсильвания шта-тидаги «Хейлтон» миллий боғи-даги чиқиндилар ташланадиган қутилар турли ҳайвонлар шаклида ишланганлар. «Фил» ёки «айиқча» ичига бирор нарса ташланса бўлди, ундаги автомат ишга тушиб, боғ озодлиги сақланганлиги учун мин-натдорчилик сўзлари янграйди. Бу янгилик, айниқса, болаларга ёқиб қолган, улар тезда бутун боғни топ-тоза қилиб қўядилар.



Гулливер учун трубка

«Сигаретлар пойтахти» деб атал-миш Германиядаги Бинеген шаҳ-ри фуқароси Франц Польшер дунёда энг катта трубка ясаган. Унинг узунлиги 3,65 метр бўлиб, эни 2 метрдир. Унга бемалол 23,2 кило тамаки солиш мумкин. Бу трубка яратишга Польшер 120 соат вақтини кетказган.

Бошқотирма



Музаффар НОРМАТОВ тузди.

Энига: 7. Ҳозирда воситачига айланган чайқовчи. 8. Қимматбаҳо тош. 11. Савдо-сотик қатори, дўконлар тизмаси. 12. Инсон истеъмолидаги, эриганда сув ток ўтказувчанлик хусусиятини йўқотувчи модда. 13. Ҳинд аёллари кийими. 14. Дездемонанинг ўлимига сабабчи туйғу. 17. Ўзбек миллий таоми. 18. Отчопар. 20. Орзу, умид. 21. Украина футбол жамоаси. 22. Ўзбекистон киночиларининг соврини. 25. Нон ёпиш мосламаси. 26. Юрак-қон томири касаллиги. 31. Қозоғистон жанубидаги шаҳар. 32. Жасоратчи. 33. Сиёҳдоннинг «ажлоди». 34. Иморатнинг таглик ёғочи билан сарропи ўртасига қадаладиган ёғоч. 37. Махсус ишлаб чиқилган тadbир ёки жазо. 38. Публицистик жанр. 39. Гумон, тахмин. 42. Баъзи инсонларга хос хусу-сият. 43. Покистондаги шаҳар.

Бўйига: 1. Ў. Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссаси қаҳрамони. 2. Узоқ Шарқ-даги дарё. 3. Бўзнинг силлиги. 4. Оқар сувга ўрнатиладиган мослама. 5. Осмон, само. 6. Полвонлар кийими. 9. Америка қитъасидаги давлат пойтахти. 10. Сўзли бошқотирма тури. 15. Ҳам туман, ҳам таом номи. 16. Ускунанинг синоними. 18. Келин-куёв уйдаги парда. 19. Тиниқ, нурафшон. 23. Карвонлар тўхтаб ўтадиган жой, карвонсарой. 24. Афсонавий ўзбек халқ қаҳрамони. 27. «Кокилли» дарахт. 28. Янгилик, кашфиёт. 29. Ўткир ҳидли, рангсиз газ. 30. Муайян воқеа-ҳодиса, тadbир-ни кўрувчи киши. 35. Ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайдиган одам. 36. Энди униб чиқаётган экин. 40. Унга қарши бориб бўлмайди. 41. Ватанфуруш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжа-лик экинлари уруғларини сертификация-лаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази жамоаси марказ ходими Т.Сай-фудиновга онаси

ИММАТХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жамоаси вилоят ҳокимининг ўрин-босари

Райим РАҲМОНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
**Аббосхон
УСМОНОВ**

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбо-сари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 916,
18042 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II™
компьютерига терилди
ҳамда оператор
Ж. ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб —
А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир —
И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи —
О. РАҲАБОВ.
Мусаҳҳих —
А. САТТОРОВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6